F 60596

Илм ўзни билмакдир

Ма'рифат

МА'RIFAT ✦ ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ ✦ معرفت

1931 йилдан чиқа бошлаган | 1996 йил 25 май, шанба | Баҳоси сотувда эркин нархда. | № 37 (6734)

Даъват

Яхши хулқ, гузал муомала бир йўлдирки, бу йўл билан юрмасдан туриб иззат ва шараф манзилига етиб булмайди.

Хусайн воиз КОШИФИЙ.

Ибрат

Қизилтепа туманидаги Шариф Ражабов номидаги урта мактабнинг узбек тили ва адабиёти фани уқитувчиси Ҳаким Халилов шахсий кутубхонасидан 200 та китобни билим даргоҳи нурхонасига ҳадя этди.

Ўзбекистон — Латвия

ҲАМКОРЛИККА ЙЎЛ ОЧИЛДИ

Собиқ СССР даврида, дастлаб, унинг таркибидан ажралиб чиқиб, мустақилликка даъвогар булган давлатлардан бири Латвия эди. Узга давлатларга бу эриш туюлди. Уша даврда Латвияни қанча қийинқистовга олишмасин, у собиқ иттифоқ таркибига қайтиб кирмади ва тўғри қилди. Европа қитъасидаги бу давлат ҳозирги вақтда ривожланишнинг ўзига хос ойдин йўлига чиқиб олди. У МДҲга аъзо давлатлардан фақат Украина ва Узбекистон билангина ҳамкорлик қилишга розилик билдирди. Модомики, Узбекистон ва Латвия давлатларининг ўзаро дўстлиги, яқинлашуви, биродарлиги дил тўридан чиққан ваъда ва аҳдларга асосланган экан, ҳар иккисининг ҳар қандай соҳадаги алоқалари ривожланишини баралла қуллаб-қувватлаш керак.

1995 йилнинг июнь ойида юртбошимиз И. Каримов Латвия Республикасига бориб қайтган эди. Бу, албатта, шунчаки ташриф булмай, Узбекистон ва Латвия уртасидаги узаро дўстлик, ҳамкорликни мустаҳкамлашга ҳуқуқий асос яратди. Шуниси диққатга сазоворки, Узбекистон Европа қитъасидаги Латвия бандаргоҳлари орқали бошқа ривожланган давлатлар билан ҳам бемалол алоқалар урнатиши мумкин.

Шу ҳафтанинг уртасида Латвия Президенти Гунтис Улманис мамлакатимизга расмий ташриф бўюрди. Президент бошчилигидаги йирик тадбиркорлар ва журналистлар гуруҳининг Узбекистонга қадам ранжида этишлари жуда катта сиёсий воқеа булиб, узаро ҳамкорлигимиз истиқболларини белгилаш, қолаверса, халқларимизни бир-бирига янада яқинлаштиришда катта урин тутишидан дарак беради.

22 май куни Латвия Президенти Гунтис Улманиснинг Узбекистон Президенти Ислом Каримов билан учрашувлари бошланди. Дурмондаги қароргоҳда Президентларнинг яккама-якка, дўстона руҳдаги суҳбатлари бўлди. Икки давлат раҳбари узаро суҳбат чогида мамлакатларимиз уртасидаги алоқаларни янада мустаҳкамлаш, минтақавий ва халқаро муаммолар билан боғлиқ баъзи масалалар юзасидан фикрлашдилар.

— Узбекистон Марказий Осиёдаги энг прогрессив давлатдир, — деди жумладан Латвиянинг давлат раҳбари. — Биз Ислом Каримов раҳбарлигида бозор муносабатларини қарор топтираётган барқарор ҳамда иқтисодий имкониятларга бой бу мамлакат билан ҳамкорликни ривожлантиришдан манфаатдормиз.

Суҳбат ва музокараларнинг маҳсули сифатида 10 га яқин ҳужжатлар имзоланди. Жумладан, Президентлар Узбекистон Республикаси ва Латвия Республикаси уртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш ва кенгайтириш тўғрисидаги Декларацияга имзо чекдилар. Улар, шунингдек, халқаро автомобиль қатнови, темир йўл транспорти, маданият ва алоқа соҳаларида ҳам узаро ҳамкорликни ривожлантиришга доир битимларни имзолашди.

Ҳужжатларни имзолаш маросимидан сўнг булган матбуот конференциясида Ислом Каримов ва Гунтис Улманис икки мамлакат расмий делегациялари уртасидаги музокаралар якунлари ҳақида журналистларга сузлаб бердилар. Бу эса ҳар иккала мамлакат уртасидаги кўп томонлама алоқаларни йўлга қўйишга дахлдорлиги билан аҳамиятлидир.

Ислом Каримов, жумладан, журналистларга Узбекистон—Латвия иқтисодий алоқалари ривожланиб бораётганлигидан далолат берувчи рақамларни келтирди. Латвия билан Узбекистон уртасидаги товар айирбошлаш ҳажми 1995 йилда қарийб 6 миллион долларга ўсди, деб таъкидлади Президентимиз.

Латвия Президентининг Узбекистон Республикаси Олий Мажлисига ташрифи, парламент ҳаёти билан танишуви ҳам эътиборга молик бўлди. Шунингдек, латвиялик меҳмонларнинг Алишер Навоий номидаги миллий богда бўлиши, буюк мутафаккир ҳайкали пойида бир дақиқа сукут сақлашиб, улуг бобомиз хотирасига ҳурмат баҳо келтиришлари дилларни тўлқинлантириб юборди.

Латвия делегацияси аъзолари Тошкентдаги биржа марказида ҳам бўлишди. Марказ иши билан танишув уларга истиқболнинг ойдин йўлидан кетаётган Узбекистон ҳақида бой ва кенг таассурот берди.

Хуллас, уч кун давом этган бу сафар Узбекистон ва Латвия давлатларининг узаро яқинлашуви ва ҳамкорлигини ривожлантиришга йўл очади. Бу эса мазкур мамлакатлар халқларига катта ва чексиз манфаатдорлик келтиради.

ШОГИРДЛАРИМ ШЕЪР ЎҚИШДИ МЕНГА ҲАМ

Сўнгги қўнғироқ

Сўзимнинг дебочасини устозлардан бошласам. Бу билан ўз устозларимни ёд этган бўламан. Дарҳақиқат:

Ҳақ йўлида ким сенга бир ҳарф ўқитмиш ранж ила
Айламак бўлмас адо онинг ҳақин юз ганж ила.

Уларни ҳар хил аташ мумкин: муаллим, мураббий, мударрис, зиёкор, устоз, ўқитувчи... домла... Фазилатлари эса уйғун: кўнгли пок, қалби саховатли, нияти эзгулик, таратадигани фақат зиё.

Улар берган сабоқлари зое кетмабди чоғи, ўзим ҳам устоз бўлиб қолибман. Сўнгги қўнғироқда шогирдларим шеър ўқишди менга ҳам. Навбатдаги битирувчи синфларим. Ҳар йили сўнгги қўнғироқ куни мактаб остонасини тарк этаётган ўқувчиларимни кўриб ширин энтикишдан қалқийди қалбим. Кўзларимга ёш келади. Уларга бир неча йил сабоқ бериш билан бирга, уларнинг ўзлари ҳам менга сабоқ бўладилар. Ўз устимда ишлашга ундайдилар.

Ўқув йили ҳам якунланиб қолди. Мустақил Ўзбекистонда яшаб, таълим олиб мустақил ҳаёт бўсағасида турган ёш шогирдларимга устозларимизга устозлик қилган ўзбек халқининг шоири ва олими Ғафур Ғуломнинг қуйидаги мисраларини ҳадя этмоқчиман:

Азиз асримизнинг азиз онлари
Азиз одамлардан сўрайди қадрин,
Фурсат ғаниматдир шоҳ сатрларла
Безамоқ чоғидир умр дафтарин.

Севимли шоиримиз номларини ёд этиб, руҳларини шод этиб, дил сўзларимга нуқта ясамай туриб, илҳом парилари елкага қўнди, ушбу сатрларни қалбимга йўнди:

Бугун сўнгги қўнғироқ,
Бу кун ниятлар оппоқ,
Йўлингиз бўлсин ёруғ,
Эртангиз бўлсин қутлуғ.
Шаҳдам одим ташлангиз,
Ҳаёт йўлин бошлангиз
Қалблардан олиб титроқ,
Янграр сўнгги қўнғироқ.

Гулнора МУҲАММАДЁРОВА,
Тошкент шаҳридаги
310-мактаб ўқитувчиси.

Хатолар сабоқ бўлсин!

БИОЛОГИЯ

Ўтган йили олий ва ўрта махсус ўқув юртларига кириш имтиҳонлари пайти биология фани бўйича тест топшириқларини бажаришда баъзи хатоликларга ҳам йўл қўйилди. Ана шу хатолар туфайли кўпчилик дўстларимизга талабалик партасига ўтириш армон бўлиб қолди. Келинг, ўша хатоларни яна такрорламаслик учун тест топшириқларини бажаришнинг баъзи бир жиҳатларини диққат билан ўрганайлик.

(2-бетга қаранг).

Имтиҳонларга тайёрмисиз?

ЯНГИЛИК

Маълумки, яқинда Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирининг фармойиши билан вазирлик қошида умумтаълим мактабларидаги битириш имтиҳонларини компьютерлар ёрдамида қабул қилиш борасидаги Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармасининг ташаббусини қўллаб-қувватлаш мақсадида махсус штаб тузилган эди. Мухбиримиз штаб бошлиғи, ўқув ишлаб чиқариш, компьютерлаштириш ва бозор тузилмаларини ривожлантириш бошқармаси бошлиғи Соибжон Алиев билан бу борада амалга оширилаётган ишлар хусусида суҳбатлашди.

— Соибжон ака, энг аввало штабнинг асосий вазифалари ҳақида тўхталиб ўтсангиз.

—Биласизми, биз аслида бу ишни ўтган ўқув йилида бошлаган эдик. Тажриба тариқасида Тошкент шаҳрининг Улуғбек, Миробод туманлари миқёсида ўтказилган тадбирларимиз яхши натижа берди. Шунинг учун ҳам бу йил бутун шаҳар мактабларида мазкур усулни қўллашга келишиб олинди. Энди штабимизнинг асосий вазифаларига келсак, биз имтиҳон ўтказилаётган жойларга ўз вақтида тест саволларини етказиб беришимиз, ташаббускорлар, қолаверса битирувчи ўқувчиларга амалий ёрдамлар беришимиз, уларни моддий-маънавий томондан қўллаб-қувватлашимиз керак бўлади.

— Бу усулдаги имтиҳонларнинг ўтказилиш тартиби қандай ва моҳияти нимадан иборат?

— Бу борада биз ҳам асосий мақсад-йўналишларимизни олий ўқув юртлари ҳажмида белгилаб қўя қолдик. Негаки, мактабни тугатган ўқувчи олий даргоҳга боргандан кейин қандайдир иккиланиб қолмаслиги керак. Шунинг учун имтиҳонларнинг асосий мезони худди олий ўқув юртларидагидек 100 балли системада қайд этилди.

Умуман олиб қараганда, мактабда бу усул ёрдамида имтиҳон топширишнинг айнан ўқувчилар учун афзаллик томонлари кўп. Мана, ўзингиз ўйлаб кўринг, оғзаки имтиҳон билетида 3 тадан ортиқ савол бўлмайди. Агар бола шу саволларнинг 2 тасига жавоб бермаса, у албатта қониқарсиз баҳоланади. Бу ўз-ўзидан ўқувчининг фикрлашини, дунёқарашию тасаввурини чегаралайди, холос. Компьютер эса, биринчидан, ҳар бир болани янгича техника билан ўзаро муносабатга ўргатади, ўқувчи мактабданоқ мазкур машина билан яқиндан таниш бўлса, олий ўқув юртига сира ўйланмай қадам қўя олади. Қолаверса, компьютерлашган тест синови элликта саволдан иборат. Бу саволлар орасида ўқувчи 1—2 тасини билмай қолса, ҳеч бир тушкунликка тушишга ҳожат бўлмайди. Мазкур усул ҳозирги кунда баъзи вилоятларда ҳам аста-секин қўлланила бошланяпти. Қолаверса, Тошкент шаҳар миқёсида ўтказилаётган бу тадбиримиз келгуси йили бутун республика мактабларини жалб этиш учун муҳим бир замин бўлади, деб ўйлайман.

ИЗОҲ: Мазкур тадбирнинг натижалари хусусида алоҳида ҳикоя қиламиз.

Олимжон ҲАЙИТ
суҳбатлашди.

ЖУМЛАДА ЖАҲОН

❀ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 21 май куни Америка Қўшма Штатларининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Стенли Туэмлер Эскудерони унинг илтимосига кўра қабул қилди.

❀ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 22 май куни АҚШнинг «Кейс» корпорацияси вице-президенти Леополд Платтнерни қабул қилди.

❀ Руминия Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси этиб тайинланган Константин Гирбя 21 май куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга ишонч ёрлиғини топширди.

❀ Шу куни Яман Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси этиб тайинланган Али Абдуллоҳ ал Бугейрий ҳам Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга ишонч ёрлиғини топширди.

❀ Чеченистоннинг матбуот ва ахборот вазири Удуговнинг хабар беришича, Ичкерия раҳбарлари маълум шартларга кўра Ельцин билан Яндарбиевнинг учрашуви Махачқалада бўлиши мумкинлигини айтмоқда. Бу юзма-юзликни уюштиришда Россия мусулмонлари Иттифоқи ташаббускорлик қилмоқда, деди «Озодлик» радиоси.

❀ НАТОнинг бош котиби Солана барча Европа иттифоқига аъзо мамлакатларнинг яқин орада НАТОга аъзо бўлишига умид боғлаётганлигини маълум қилди. Ҳозирда бу иттифоққа аъзо бўлиб, НАТОга кирмоқчи бўлганлар: Австрия, Финляндия, Ирландия, Швеция. Финляндия бу борада ҳали-ҳануз қўшилмаслик сиёсатидан воз кечган эмас.

Абитуриент-96

«АХБОРОТНОМА»НИНГ ЯНГИ СОНЛАРИ

Илгари мазкур «Ахборотнома»нинг 1—2-сонлари нашр этилганлиги ҳақида хабар бергандик. Унинг 3- ва 4-сонлари ҳам нашрдан чиқди.

Учинчи сонда ўзбек адабиёти, математика, физика,кимё ва немис тилидан тест материаллари билан танишишингиз мумкин. Шунингдек, бунда Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юртлари ҳақида маълумотлар ҳам берилган.

«Ахборотнома»нинг 4-сонида эса ўзбек тили ва адабиёти, рус тили ва адабиёти, биология, кимё, француз тили, ўзбек тили ва адабиёти (иккинчи тил) фанларидан тест материаллари билан танишишингиз мумкин.

«Ахборотнома» Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги «Таълимтаъминот» бош бошқармаси ва унинг вилоятлардаги бўлимлари орқали жойларга етказиляпти. Шунингдек, «Матбуот тарқатиш уюшмаси»нинг газета дўконларида ҳам сотувга чиқарилган.

Тест материаллари сизнинг, яъни бўлғуси абитуриентларнинг машқ майдонингиздир. Машқда қийналсангиз, имтиҳон куни ғалабангиз осон бўлишини унутманг, азизлар!

ҚИШЛОҚ МАКТАБИ ИСТИҚБОЛИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси «2000 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ижтимоий инфраструктурасини ривожлантириш дастури тўғрисида» қарор қабул қилди

Қарорга биноан «Узистиқболстат» Давлат қўмитаси, Узбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Халқ таълими вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган Дастур тасдиқланди. Янги аср бошлангунга қадар булган даврда қишлоқ ижтимоий инфраструктурасини ривожлантириш акс этган бу Дастурни амалга ошириш учун Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туманлар ҳокимликлари «Узистиқболстат» Давлат қўмитаси ва Молия вазирлиги иштирокида жойларда амалий ишларни ташкил этадилар, маблағ билан таъминлаш манбалари ва уларнинг буюртмачилар ҳамда асосий пудратчи ташкилотлар бўйича тақсимланишини белгилайдилар.

Бюджетдан ажратилган маблағлар қишлоқ жойларда қурилишга тайёрлиги юқори даражада булган мактаблар ва соғлиқни сақлаш объектлари қурилишини тугаллашга йўналтирилади. Соғлиқни сақлаш ва Халқ таълими вазирликларига маҳаллий ҳокимиятлар билан биргаликда икки ҳафта муддатда қишлоқ ижтимоий инфраструктурасини ривожлантиришнинг ҳар бир туман бўйича дастурларини ишлаб чиқиш ҳамда бир ой давомида Дастурда кўзда тутилган қишлоқ умумтаълим мактаблари ва Соғлиқни сақлаш объектлари бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш топширилган.

Халқ таълими тизимидаги вазифалар ва ишлар кўлами қуйида эълон қилинаётган шарҳда баён этилади.

Кейинги йиллардаги иқтисодий мураккабликка қарамасдан халқ таълими муассасалари моддий-техника негизини мустаҳкамлаш борасида кўпгина ижобий ишлар амалга оширилди. Мактаб бинолари қурилиши бошқа республикалардаги каби тўхтаб қолгани йўқ. 1991—1995 йиллар давомида 560 мингдан ортиқ ўқувчи ўрнига мўлжалланган янги бинолар фойдаланишга топширилди.

Ўзбекистон Республикасида 9243 та умумтаълим мактаблари мавжуд бўлиб, шулардан 7516 таси қишлоқ худудларида жойлашгандир. Бироқ қишлоқ мактаблари ўқувмоддий базаси бугунги кун талабларига жавоб бермаётгани сир эмас. Шу боис Президентимиз И. Каримов республика фаоллари йиғилишида ҳозирги кунда қишлоқ мактабларининг аҳволи жуда кўп жиҳатлардан замон талабларига жавоб бермаслигини, қишлоқ мактабларининг моддий-техника базасини яхшилаш борасида жиддий ишга киришиш зарурлигини алоҳида таъкидлаганди.

Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 6 январдаги 11-сонли фармойишига асосан, қишлоқ мактабларининг ҳолати Халқ таълими вазирлиги, «Ўзистиқболстат» ва «Ўзархитектурақурилиш» Давлат қўмиталари масъул ходимлари билан ҳамкорликдаги комиссия ўтказган инвентаризация якунлари қишлоқ мактабларининг 50,6 фоизида газ ёқилғисидан фойдаланилмаслигини,

(Давоми 2-бетда)

ХАБАРЛАРИ — ММММ

ОМОЧ ҲАМ БОР, ТЕГИРМОН ҲАМ

Қарши тумани ҳокимлиги ҳомийлигида тумандаги «Ёш сайёҳлар уйи» маъмурияти яқинда ибратли бир ишни амалга оширди. Мазкур масканнинг жонкуяр ходимлари «Узбекистон мустақиллигининг 3 йиллиги» номли мактаб биносида «Туман тарихи» музейини ташкил этишди. Музейга жамланган кўргазмалар алоҳида турларга ажратилган ҳолда нозик дид билан жойлаштирилган. Улар орасидан ўрин олган сомон ташийдиган чиғона, дар қудуқ макети, жувоз, кели ва келисоп, бўйра, тақинчоғу жамалаклар жуда ноёбдир.

«ҲОШИМЖОН»НИНГ БЎЗЛИК МУХЛИСЛАРИ

Бўз туманидаги 1-ўрта мактаб кутубхонаси мудири Рўзихон Элчиеванинг жонкуярлиги туфайли «Сеҳрли қалпоқча» асари қаҳрамони Ҳошимжон Рўзиевнинг ашаддий мухлислари ҳамда ошналари ҳаддан ташқари кўпайиб кетди.

Яқинда мактаб маъмурияти мазкур асар муаллифи, болажонларнинг севимли ёзувчиси Ҳудойберди Тўхтабоев иштирокида ажойиб учрашув кечаси уюштирди. Кечада ёш китобхонлар «Сариқ девни миниб», «Ширин қовунлар мамлакати» каби асарлар, шу жумладан, ўзларини қизиқтирган барча мавзулар юзасидан адиб билан самимий фикрлашдилар.

ЯХШИНИ УНУТИБ БЎЛАРМИДИ...

Ғаллаорол тумани халқ таълими бўлими тумандаги 50-ўрта мактабда филология фанлари доктори, марҳум Воҳид Абдуллаев таваллуд топган куннинг 84 йиллиги муносабати билан ўқувчилар, педагоглар, марҳумнинг сафдошлари ҳамкорлигида учрашув ташкил этди. Учрашувда СамДУ филология маркази раҳбари Б. Валиҳўжаев, СамДУ кафедра мудири, профессор С. Мирзаев, Самарқанд чет тиллар институти ректори Ю. Абдуллаевлар олимнинг фан соҳасида, халқ орасидаги маърифий-маданий фаолияти тўғрисида гапиришди.

Дарвоқе, учрашув аҳли келгуси йили олимнинг 85 йиллик тўйини ҳам айнан шу мактабда ўтказишга келишиб олди.

Муаллифлар:
Абдували ОБИДДИНОВ,
Ҳасанбой РУСТАМОВ,
Икром ИСКАНДАР.

Сиртқи дарс

30. ХИТОЙ ЭЛЧИЛАРИНИНГ ШОҲРУХ САРОЙИГА ТАШРИФИ

Дарснинг таълимий мақсади: ўқувчиларни Хитой элчилари сафар-номаси билан таништириш.

Дарснинг тарбиявий аҳамияти: ўқувчиларда аждодлар ёдига ҳурмат ҳиссини тарбиялаш.

Олтин Ўрданинг кучайиши натижасида Хитойнинг Мовароуннаҳр билан муносабатлари сусайган эди. Темурийлар давлати ташкил топиши билан алоқалар яна тикланди. Марказий Осиёга Хитой, Ҳиндистон, Арабистон, Миср, Кичик Осиё, Кавказ, Волгабўйи давлатларидан савдо карвонлари ва элчилар ташриф буюрганлар; турли ўлкаларга жавоб элчилари жўнатилган.

Шарқшунос олимлар Асомиддин Ўринбоев ва Омонуллоҳ Бўриевларнинг «Ғиёсиддин Наққошнинг Хитой сафарномаси» рисоласи (Тошкент, «Фан», 1991, 56-саҳифа)да айтилишича Шоҳрух Мирзо салтанатида Ҳиротга биринчи бор Хитой элчилари 1409 йили Амир Темур вафоти муносабати билан таъзия изҳор этиш учун келганлар. Шундан сўнг элчилик муносабатлари мунтазам давом этган. Ўшанда Хитойда Мин сулоласи (1368—1644) ҳукм сурган. Мин сулоласи хоқони Юн-Ли (1403—1424) салтанати айёмида 1413 йилнинг 12 октябрида ўз надими Чэн-Чэнга Нанкинда турган Ҳирот, Самарқанд, Шероз, Андижон, Турфон, Қорахожа, Лукчак ва Кошғар элчиларини юртларига жўнатиб қўйишни топширади. Чэн-Чэн ўз хизматкори Ли Да ва сарой аъёни Ли Сян билан меҳмонларни кузатиб, 1414 йилнинг 27 октябрида Ҳиротга етиб келади. Чэн-Чэн (вафоти 1457) ва Ли Сян (1376—1445) бошчилигидаги Хитой элчилари Ҳирот, Самарқанд, Андхой, Бадахшон, Термиз, Шоҳрухия, Тошкент, Бухоро, Сайрам, Кеш, Янгикент, Бешбалиқ, Қорахожа, Лукчак, Турфон шаҳарларида ҳокимлар қабулида бўладилар. 1415 йилнинг 30 ноябрида эса ўз ватанлари — Хитойга қайтиб келадилар. Ҳар иккала элчи Марказий Осиё давлатларини кезиб, кўрган- билганлари ҳақида, бу ерлардаги ажойиботлар, етиштириладиган маҳсулотлар ва халқ урф-одатлари ҳақидаги йўл хотираларини китоб ҳолига келтириб, хоқон Юн-Лэга тақдим этадилар. Асар «Си юй фань го чжи» («Ғарбдаги хорижий давлатлар тавсифи») деб номланган. Унда 17 хорижий давлат тавсифи келтирилади. Жумладан, пойтахт Ҳирот ҳақида шундай дейилган:

«Ҳирот шаҳри деворининг айланаси ўн ли (1ли —500 метрдан кўпроқ). Султон шаҳарнинг шимоли-шарқий бурчагидаги қасрда яшайди. Қаср пишиқ ғиштдан қурилган бўлиб, тўсинсиз; томи сопол тахталар билан ёпилмаган. Ичкарисида кенглиги ўн цзянь келадиган сарой. Девори ва ойналари олтин ва зангори рангдаги кошинлар билан безатилган. Эшик табақалари ўйма нақшли, суяк ва шохлар билан қуббаланган. Хоналарга гиламлар тўшалган.

Сарой олдида рангин, нақшли саропарда ўрнатилган. Бу ерда султон ҳордиқ чиқаради. Саропарда ичида олтин тахт ўрнатилган. Бир неча қават қилиб кўрпа ва ёстиқлар қўйилган. Курси ва ўлтирғичлар йўқ. Одатда чордона қуриб ерда ўлтирадилар.

Султон калта енгли кўйлак ва бошдан кийиладиган хилъат кияди. Бошида оқ матодан салла. Сочини тарашлайди. У аъёнлари каби оқ кўйлак кияди. Раъият унга Султон деб мурожаат этишади. Султоннинг хотинларини «ога», фарзандларини эса мирза дейишади. Мирза сўзи хитойча шэженга тўғри келади. Бу мамлакатда ҳукумат муассасалари ва идоралари йўқ. Амалдорлар тизими ҳам йўқ. Ҳукумат ишини бошқарувчиларни аҳли девон дейишади. Барча ишларни шу аҳли девон ҳал қилади...

Йиғин, мажлисларда ҳоким, аъёнлар эру хотин, ёшу қари давра қуриб ўлтирадилар.

Овқатни қошиқ ёки таёқчалар ёрдамида эмас, қўлда ейдилар. Суюқ овқатни қошиқда ичадилар. Кўпинча сопол идишларда овқатланадилар. Сирли идишларни кам ишлатадилар. Фақат май ичганда олтин ва кумуш қадаҳлар ишлатилади.

Уларда стол ва курсилар йўқ; ерда ўлтириб овқатланадилар. Базмларда пастак хонтахта қўйилади. Амалдор ва аъёнларнинг маконлари ҳам султонникидек кирпичдан. Бойликларини кўз-кўз қилиш мақсадида деворларига шойи, шоллар илинади. Оддий халқ пахса, текис томли уйларда истиқомат қилишади. Уларнинг баъзиси ўзига кигиз ўтов қуриб олган...

Бозор ёки кўчаларнинг ҳар икки томони, уйларнинг кўчага қараган айвонлари, болохоналари ойнали.

Савдо дўконлари расталарга бўлинган. Масалан, қурол-яроқ, эгар ва жабдуқ, кийим-кечак расталари. Ҳар раста алоҳида, ҳеч қачон бошқа соҳа дўконини аралаштирмайдилар. Бозорларида жанжаллар бўлмайди.

Шаҳар аҳолиси овқатни камдан-кам уйда пиширади. Ҳамма нарсани бозордан, дўконлардан олишади. Шунинг учун бозорларда дўконлар кечалари очиқ бўлади. Чироқлар ўчмайди.

Савдода кумуш танга ишлатилади. Каттасининг оғирлиги бир цянь (3,73 гр) ва олти фэн (бир фэн 0,37 гр.) бўлиб, танга дейилади. Кичикроғи саккиз фэн бўлиб, динор, кейингиси тўрт фэн бўлиб, дирҳам дейилади. Мис пуллар ҳам бор. Олти ёки тўққиз пул бир дирҳам бўлади. Бу пуллар маҳаллий хусусиятга эга.

Сотиладиган нарсалардан 20 фоиз бож олинади. Давлат ҳужжатлари ва ёзишмаларига масъул шахс муҳри босилади. Шахсий муҳр қуйидагича ясалади: пулга ишлатиладиган кумушдан узук ясайдилар; унга муҳр эгасининг номи ўйиб ёзилади. Давлат муҳрларининг сохта ясовчилари бўлмайди бу давлатларда. Уларда май ичиш тақиқланган. Айбдор дарра билан жазоланади. Шолидан май ясашмайди; узумдан қиладилар. Аҳолининг аксари имонли, майхўрлик қилмайди. Бу давлатларда амалда бўлган қоида ва одатга мувофиқ мусофир имон келтириб, мусулмончиликни қабул қилса, унга ўн минг танга пул, сарупо ва эгар-жабдуқли от инъом этилади. Бу давлатларда эрлар сочларини олдирадилар, салла ўрайдилар. Аёллар юзларини оқ мато билан ёпиб юрадилар, фақат кўзлари очиқ бўлади. Азадор аёллар тўқ кўк кийим кийиб юрадилар. Улар юз кун аза тутиб, кейин кўкларини ташлайдилар.

Рўза ҳайити кунлари қовоқни мўлжалга олиш мусобақалари ўтказилади. Одатда узунлиги бир неча чжань (бир чжань—3,11 метр) келадиган ёғоч тепасига қовоқ ўрнатилади. Қовоқ ичида оқ кабутар бўлади. Суворийлар от чоптириб ўтиб кетаётиб қовоқни ўқ-ёйлари билан мўлжалга оладилар. Қовоққа ўқ текканда ютган ҳисобланади.

Экинзор, боғлар, кўча, хиёбонлар ва ҳовлилардан доимо ариқларда сув бўлади, токи бу жойлар чанг бўлмагай. Кучли сел келганда ҳам шаҳарда қўлмаклар кам бўлади. Қишин-ёзин ариқлардан сув аримайди...

Савдо йўлларининг ҳар икки тарафида пахсадан бинолар қурилган; улар лангар дейилади. Саёҳатчилар бундай жойларда ҳордиқ чиқарадилар.

20 ли бир ўтимлик йўл ҳисобланади. Ҳар бир ўтимлик йўлда бино қурилган бўлиб, работ дейилган. Бу ерларда саёҳатчилар учун егулик ва ичгуликлар ҳозирланган бўлади. Кўпчилик қишлоқларда савдо майдонлари қурилган бўлиб, улар бозор дейилади. Бундай жойларда ҳафтасида бир кун қош қорайгунча савдо бўлади.

Маҳаллий темир ва мис буюмлар чидамли ва ўткир. Бу ерда тайёрланадиган чинни идишлар нозик дид билан ишланади. Улар гул ва чечаклар, нақшлар билан безатилади. Уларнинг кўриниши жуда чиройли, лекин Хитой чинниси каби енгил, шаффоф, тоза ва ялтироқ эмас.

Кеш мавзеъидан тоғ биллури каби қаттиқ оқ туз олинади... Бу ерда олтин, кумуш, қимматбаҳо буюмлар, маржон, қаҳрабо, тоғ биллури, олмос, лаъл, марварид, зумуррад жуда мўл.

Бу ерда ипак қурти кўп боқилади; тут кўп ўстирилади. Аҳоли шойи матолар тўқишга уста. Енгиллиги, қалин тўқилиши билан хитой шойисидан устун. Лекин, мустаҳкам, чидамлилиги хитойларникидек эмас. Юпқа шойи тўқиша олмайди. Матолар орасида суф дегани бор. У шойига ўхшамаса ҳам, аслида қўй жунидан тўқилади. Улар юнгли, нақшин қолинлар тўқишга уста. Уларнинг ранги даврлар ўтса ҳам ўчмайди. Қолинлари каттакатта, баъзида ўта нозик тўқилганлари ҳам бўлади... Экиладиган пахта малла рангда. Ундан тўқиладиган матолар туя юнгидан тўқиладиган матога ўхшайди».

Биз юқорида хитой элчилари кундалигининг баъзи ўринларини келтирдик. Эътиборга лойиқ, тарихий манбаъ тарзида катта қимматга эга.

Наим НОРҚУЛОВ,

* * *

МУАЛЛИФДАН: Амир Темур ва темурийлар даври фани ва маданияти мавзуидан берилган сиртқи дарслар шу билан тугади. Лекин бу келтирилган дарслар ҳақидаги фикр-мулоҳазаларини муҳтарам касбдошлардан кутиб қоламиз. Улар бизнинг бўлғуси ишларимизга ёрдам беради.

Берилган дарслар ҳақида ўз фикримизни айтадиган бўлсак, улардан кўнглимиз тўлгани йўқ. Зеро, ўттиз дарс мобайнида темурийлар даврининг илм-фан ва санъат соҳасидаги оламшумул кашфиётларини талқин этиб бериш амри маҳол. Бунинг устига темурийлар даври фани ва маданиятига доир манбалар тўла тадқиқ этилиб, чоп этилганича йўқ. Бунга вақт ва шароит керак. Шунга кўра ҳазрати Соҳибқирон даҳосининг барча қирраларини, ўша давр фани ютуқларини кашф этиш учун асрларга етарли манбаларнинг тадқиқи ва изланишлар ўз тадқиқотчисини кутиб ётибди.

Мустамлакачилик ва шўролар тузуми шароитида оёқости қилинган ва бугунги кунда кашф қилиниши лозим бўлган халқимиз ҳунарлари — фазилатлари бисёр. Бизнинг ўттиз соатлик дарсимиз эса бу маънода денгиздан томчидир.

ҲУНАРЛАР ЗАР СОЧГАН ЖОЙ

Кеча Тошкентда республика Халқ таълими вазирлиги ҳунар билим юртлари ўқувчилари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ярмаркаси очилди.

Ўқув йилининг якунида ҳунар билим юртларининг ва бошқа таълим-тарбия муассасаларининг ўқув устахоналарида ўқувчилар тайёрлаган хилма-хил саноат маҳсулотлари, бадиий буюмлар ва эсдалик совғаларини сотиш бўйича республика ярмаркасини ўтказиш йилдан-йилга такомиллашиб бормоқда. Ярмаркада бозор нархларидан арзон бўлган турли хил металл, ёғоч ва ёғоч буюмлари, катталар ва болалар кийим-кечаклари, миллий ҳунармандчилик ва бошқа маҳсулотлар сотилмоқда.

Бугун ҳам давом этаётган ушбу ярмаркада сизга ҳазил, рақс ва қўшиқлар ҳамроҳ бўлади.

Насиб этса, газетамизнинг кейинги сонларида ушбу қизиқарли ярмарка ҳақида батафсил ёзамиз.

А. НАЗАРОВ.

БОШҚАРИШДА НОАНЪАНАВИЙЛИК

Янгича иш усули

Бугунги мактаб бошқарувчиси қандай бўлмоғи кераклиги ҳақида кўп ўйлайман. Таълимнинг самарадорлик мезони эса унинг саъй-ҳаракатлари билан белгиланади. Бунинг учун директор жаҳон педагогикасининг, айниқса, АҚШ, Япония, Германия, Нидерландия каби ривожланган давлатлар таълимининг ўзига хос жиҳатларини жамоага етказа билиши ва маҳаллий шароитдан келиб чиқиб, амалиётда қўллашга етакчилик қилиши керак.

Ўзбек халқи тарихида янги давр бошланди. Бу миллий истиқлол мафкурасини яратиш ва ҳаётга татбиқ этиш, соғлом авлод учун бошланган курашдир. Соғлом авлод деганда, фақатгина жисмонан бақувват фарзандларни эмас, балки маънавий бой, ахлоқан пок авлод ҳам кўзда тутилади. Мактаб эса уларни тарбиялайди, ҳаётга тайёрлайди.

Мактаб раҳбари педагогик жамоани ўзига эргаштирар экан, унинг савияси ўқувчиларга ҳам, ўқитувчиларга ҳам таъсир кўрсатади. Бугунги мактаб директорига оддийгина раҳбар ёки жўн шахс сифатида қараш керак эмас. У ўзбек миллий педагогикаси тарихини чуқур билиб, таҳлил қила олиши зарур. А. Авлонийнинг «Миллий қадриятлар», «Муомала ва истиқбол», Б. Қосимов, У. Долимовларнинг «Маърифат дарғалари», Наим Каримовнинг «Чўлпон», М. Хайруллаевнинг «Форобий» сингари рисолалари, Чўлпон асарлари, Имом Исмоил Ал-Бухорийнинг «Ал адаб ал Муфрад» («Адаб дурдоналари»), Кайковуснинг «Қобуснома», Алишер Навоийнинг «Қирқ ҳадис», Имом АтТермизий, Аҳмад Яссавий, Азим Ҳожа Эшонларнинг ҳадис ва ҳикматларидан хабардорлик мактаб директорининг маънавий дунёсини белгилайди. Мактаб муҳити ана шу миллий педагогик ғоялар билан бойиб, такомиллашиб боради.

Мактаб директори ҳар бир соҳага ижодий ёндашиб, ноанъанавий усуллари излаб топган тақдирдагина ўқитувчиларнинг ишларида янгилик, ижодийлик кўради. Хўш, бу масалага биз ўзимиз қандай ёндашяпмиз?

Энг аввало ўқитувчиларни аттестациядан ўтказишга жиддийлик билан киришилди. Бунинг учун ҳар бир ўқитувчига тавсия қилинган тоифа бўйича 20 та билетдан иборат ёзма савол-жавобга 40 та тўғри жавоб берадиган тест имтиҳонлари ўтказилди. Бунда олий тоифали ўқитувчи 20 та билетга ва 100 фоиз тест саволига мукаммал жавоб бериши, биринчи тоифали ўқитувчи 15 та ва 85 фоиз, иккинчи тоифали ўқитувчи 12 та ва 65 фоиз, оддий ўқитувчи эса камида 10 та билет ва 55 фоиз тест саволига тўғри жавоб бериши шартлари белгиланди.

Саволларда ўқитувчи шахсининг хусусияти, унинг маънавий дунёси, ўқув-тарбия соҳасидаги билими, педагогик, руҳшунослик ва методик маҳорати, ўз-ўзига ва бошқаларга нисбатан талабчанлиги, педагогик муаммолар ҳақидаги фикри ва иши, ўз устида ишлаш каби жараёнларни билиб олиши кўзда тутилган эди. Бундан ташқари, «Ўқитувчиларнинг ўқув йили давомида синфдан ва мактабдан ташқари ишларни баҳолаш шартлари» жадвали ишлаб чиқилди. Мазкур жадвалда йил давомида ўқитувчи томонидан бажарилган 7 та иш тури 2 баллдан 10 баллгача, жами 32 балл билан баҳоланади. Шунингдек, «ўқитувчиларнинг йил давомида унумли меҳнатларини битим асосида баҳолаш шартлари» жадвали ҳам тузилди. Бунда ўқитувчининг 6 хил иш фаолияти 2 баллдан 10 баллгача, жами 34 балл билан баҳоланади. Синф раҳбарининг ишига тўғри баҳо беришда «Синф раҳбарининг ўқув йили давомида иш фаолиятини баҳолаш шартлари» ҳам ишлаб чиқилдики, бунда синф раҳбари томонидан бажариладиган 20 хил ишга 3 баллдан 10 баллгача, жами 93 балл туплаш имконияти берилган.

Жадвалга баҳо қўйиш учун битимни назорат қилувчи ҳайъат гуруҳлари тузилди. Ўқув йили охирида ҳайъат аъзолари ҳулосасига кўра, иштирокчилар шартларни 85 фоиз бажарсалар, олий тоифа; 80—84 фоиз бажарса, 1 тоифа, 70-79 фоиз бажарса, II тоифа; 60—69 фоиз бажарса, мутахассис; 55 фоизга эса шартли мутахассис берилиши мақсадга мувофиқ деб топилади. 55 фоизга етмаса, у билан битим тузилмайди, ойлик маоши паст ишга ўтказилади.

Юқоридаги жадваллар асосида ўқитувчининг қобилият даражалари аниқланиб, Халқ таълими вазирлиги тавсияномаларига суянган ҳолда, ўқитувчи ва тарбиячиларимизга белгиланган тоифаларни қайтадан қуриб чиқдик. Натижада олий тоифага тавсия қилинган 6 ўқитувчидан 4 нафари 1 тоифага, биринчи тоифага тавсия қилинган 16 ўқитувчидан бир киши бир даража паст тоифага ва II тоифага тавсия қилинган ўқитувчилардан бир киши биринчи тоифага муносиб деб топилди.

Мактабда ҳар бир ўқитувчи ишини доимий назорат қилиш, унга тўғри баҳо бериш жуда кўп вақт ва меҳнат талаб қилади. Бу соҳада ҳам мактабимизда ноанъанавий усуллардан фойдаланишни маъқул кўряпмиз. Жумладан, А. Чоботарнинг «Ҳозирги замон мактаби», «Раҳбарлик муаммолари», «Мактабда ички назорат қилишни демократиялаштириш» қўлланмаси билан иш юритиш ижобий самара бераётир. Бунда ўқитувчи ҳукмига ҳавола қилинган назоратнинг тўрт тури — маъмурий, жамоа, узаро услубий, ўз-ўзини назорат қилиш шакллари асосида туплаган маълумотлар ўқитувчининг шахсий фикридан сўнг маъмурият ҳукмига ҳавола қилинади.

Натижа эса қутилганга яқин чиқиб, 16 нафар ўқитувчининг иш фаолиятини назорат қилиш маъмурият ва жамоа ҳукмига берилди. Бу ўқитувчиларнинг иш фаолиятини назорат қилиш жамоа томонидан амалга оширилган булиб, мазкур гуруҳга янги иш бошлаган, кам тажрибали, уз ишига масъулиятини ҳис қилиб қарамайдиган ўқитувчилар киритилди. Уз-ўзини назорат қилиш ҳуқуқи берилган 9 нафар ўқитувчига иш фаолиятини ута ҳис қилган ҳолда ишлаш юклатилган булиб, уларнинг иш тажрибасини ўрнак сифатида бошқаларга ейиш мақсадида таҳлил қилиб борилади. Ўқитувчининг очиқ дарс ўтказишни ўзи айтишга журъат қилиши, мазкур ўқитувчига қанчалаб масъулият юкланишини тасаввур қилиб куринг. Энг муҳим ҳир ўқитувчиларгина бундай таклифни ўртага ташлашлари мумкин.

Ўқитувчиларнинг ташаббускорлигини ҳисобга олиб боришнинг ўзи бўлмайди. Буни ҳам аниқ бир системага солиш мақсадида ҳар бир ўқитувчига «Иш фаолияти тўплами папкаси» очилади. Бу папкада ўқитувчи томонидан амалга оширилган ижодий-ижобий ишлар плюс бетгиси билан карточкага ёзилиб, қилинган ишларнинг изи билан қўшиб солинса, ўқитувчи томонидан йил қуйилган камчиликлар минус белгиси билан карточкага ёзилиб, имзо қўйилиб, папкага солинади. «Менинг иш фаолиятим» туплам папкаси ўқитувчи ишининг бир йилини эмас, қанча ишласа, шунча давр мобайнида туплаб борилади. Бу эса яққол ҳаритадир. Ва бу ўқитувчига тоифа беришда, мукофотлашда, қўйингки, ҳатто жазолашда ҳам исбот талаб қилмайдиган ҳужжат вазифасини ўтайди. Биз шунга асосланиб, ўқитувчиларни рағбатлантириш ёки керак бўлса, жазолаб келмоқдамизки, бу битимнинг бажарилишини назорат қиладиган илова вазифасини ўтаяпти.

Анъанавий, андозали иш юритишнинг эскириб қолганини исботлаш учун унинг салбий томонларини санаб ўтмоқчиман. Аввал таъкидлаб ўтганимдек, энг аввало, эски услубдаги анъанавий дарс ўқувчи ижодкорлиги, ташаббускорлигини бўғиб қўйса, дарсларнинг шакл жиҳатдан бир хил, қуйма бўлиши ўқувчининг ҳам зеҳнини ўтмаслаштиради. Ўқувчиларда дарсга қизиқиш сўниб боради, итоаткор, ўзгалар буйруғини кўр-курона бажарувчига айлантириб қўяди. Ахир узоқ йиллар қўллаб келинган анъанавий андозадаги дарслар турғунликни келтириб чиқармадими? Демак, бундай дарслар на илм бера олади, на қалб. Анъанавий дарслар ўқитувчини ижод қилишга ундамайди.

Бу фикрлар раҳбарлик услубига ҳам тегишли эканини таъкидлаб ўтмоқчиман. Бошқарувда хилма-хил услубларни топиш, жорий этиш, уни ейиш учун, албатта, директор ўқувли, изланувчан булиши керак. Мактаб ишига анъанавий раҳбарлик қилиш ўқитувчи ва мактаб директори орасида шартли бир девор орқали амалга оширилиб, ўқитувчи-буйруқ бажарувчи, раҳбар эса фақат йўл кўрсатувчига айланиб қолган бўлса, мактабга раҳбарлик қилишнинг янги, синаалмаган шакллари мактаб директори билан ўқитувчини ҳамкорликда ишлашга ундайди. Ноанъанавий раҳбарлик натижасида мактабимиз кейинги 3 йилдан бери таянч мактаби, ишонч мактаби номларини олишга муяссар бўлди.

Таклиф қилардимки, мактабга раҳбарлик қилишда ноанъанавий усуллардан фойдаланиш мактабларда уз шароитидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилса, бугунги кун талаби даражасида раҳбарлик қилиш муаммосини маълум даражада ҳал этишга имкон яратиларди. Бу эса раҳбарлардан жиддий меҳнат қилишни, зиммадаги масъулиятни тўла ҳис этиб, вазифасига ёндашишни тақозо этади.

А. ЖЎРАЕВ,
Андижон вилояти Хўжаобод туманидаги 16-ўрта мактаб директори, Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси.

(Боши 1-бетда).

53,8 фоизида спорт зали, 23,9 фоизида замонавий ошхона, 62 фоизида медпункт, 9,4 фоизида кутубхона, 39,0 фоизида телефон ва 30,8 фоизида ичимлик суви йўқлигини кўрсатди. Мактабларнинг кўпчилиги мослаштирилган бинларда жойлашган. Бу камчиликларнинг асосий қисми Андижон, Қорақалпоғистон Республикаси, Қашқадарё ва Бухоро вилоятларига тўғри келади.

Инвентаризация натижаларига асосан Халқ таълими вазирлиги қишлоқ мактабларининг моддий-техника негизини мустаҳкамлаш борасидаги Давлат дастури лойиҳасини ишлаб чиқиб, ўз вақтида «Ўзистиқболстат» Давлат қўмитасига тақдим этди. Бу дастур лойиҳасига асосан 1996-2000 йил ичида бажариладиган вазифаларга аниқлик киритиш йўлида вазирликда тузилган ишчи гуруҳ томонидан Қишлоқ хўжалик вазирлиги, вилоят ҳокимиятлари, «Ўзистиқболстат» Давлат қўмитаси билан биргаликда катта ҳажмдаги ишлар бажарилди.

21 май куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «2000 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ижтимоий инфраструктурасини ривожлантириш дастури тўғрисида» қарор қабул қилди. Бу қупдан орзиқиб кутилган, том маъноси билан ўзбек қишлоғини маданий-маърифий юксалтиришга, соғлом ёш авлодни камол топтиришга йўналтирилган ҳужжатдир. Қарорга мувофиқ 245 минг ўқувчига мўлжалланган янги замонавий мактаб бинолари қурилиб, фойдаланишга топширилиши режалаштирилган. Шу жумладан, 1996 йили фақат қишлоқ жойларда қурилиш даражаси юқори бўлган бинолар ниҳоясига етказилиб, 42 минг 500 та ўқувчи ўрнига мўлжалланган мактаб бинолари фойдаланишга топширилади. Ушбу мақсадларга республика бюджетидан, вазирлик ва идоралар ҳамда ҳокимиятлар ҳисобидан жами 2 млрд. 205 миллион сўм маблағ сарфланиши кўзда тутилаяпти.

Республика ҳукуматининг қишлоқни ижтимоий ривожлантириш дастурида газлаштириш, ичимлик суви билан таъминлаш, шу жумладан мактаб бинларини капитал таъмирлаш, реконструкция қилиш ва қўшимча бинолар қуриш, замонавий техника воситалари, ўқув қуроллари, жиҳозлар, мебеллар билан таъминлаш вазифалари ҳам ўрин олган.

1996—2000 йилларга мўлжалланган Дастурни амалга ошириш мақсадида ишчи гуруҳи тузилди ва ўз ишини бошлади.

Ишчи гуруҳи «Ўзистиқболстат» Давлат қўмитаси билан ҳамкорликда 1996 йили қурилиб, топшириладиган мактаблар рўйхатини кўриб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасига ўз таклифларини тақдим этди.

Қишлоқ жойларда 1998—2000 йилларда қурилиши лозим бўлган замонавий мактаб бинолари лойиҳаларини тайёрлаш бўйича ҳам ишчи гуруҳи ТашЗНИИЭП институти билан ҳамкорлик қилишни ўз олдига вазифа қилиб қўйди. Бу лойиҳаларда мактаб бинларининг барча қулайликларга ва қишлоқ шароитига мос 150,200,300 ўринли бўлиши ҳисобга олинади, албатта.

Ҳар йилгидек таълим муассасалари ва ўқув юртларини янги 1996—1997 ўқув йилига ҳамда кузги-қишки мавсумга тайёрлаш ишларини барвақтроқ бошлаш мақсадида вазирлик томонидан тадбирлар белгиланди ҳамда 96-сонли буйруқ билан тасдиқланди. Мазкур буйруққа асосан туманлар ва шаҳарлар ҳокимлари ва таъмирлаш бошқармаси бошлиғи Марказий штаб ҳам ўз ишини бошлаб юборди.

ҚИШЛОҚ МАКТАБИ ИСТИҚБОЛИ

Бу йил янги ўқув йилига ҳозирлик Республикамиз истиқлолининг 5 йиллик тўйига тайёргарлик ишлари билан мувофиқлаштириб олиб борилади. Тайёргарлик тадбирлари жойларга етказилиб, ҳозирги вақтда маҳаллий ҳокимиятлар билан биргаликда уларни амалга ошириш ишлари бошлаб юборилган. Вазирликка келаётган маълумотларга кўра, баъзи жойларда жорий таъмирлаш ишларига якун ясалмоқда.

Шубҳа йўқки, қишлоқ ижтимоий инфраструктурасини ривожлантириш Дастурини амалга оширишда халқ таълими ходимлари ҳам ўз куч-ғайратларини сафарбар этадилар.

Р. АКРОМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги капитал қурилиш ва таъмирлаш бошқармаси бошлиғи.

Хорижий тилларни ўрганамиз

«МАЙ НЕЙМ ИЗ...»

Тил билган эл билар, эл суяр. Узга тилни билмоқ, тушунмоқ, гаплашмоқ обру ва фахрдир. Зеро, тил урганиш инсондаги ижодий имкониятлардан бири. Имкониятнинг замирида эса қобилият ва иштиқ бирлиги ётади. Бугунги кунда жаҳон миқёсидаги обрули инглиз, немис, француз, испан тилларини ўрганиш замон талаби бўлиб қолди. Боғча, мактаб, янги типдаги ўқув юртлари, институт, техникум, хуллас, илм аҳли чирогига айланган ҳар қандай жойда хорижий тилларни ўрганиш учун ижобий, ижодий, самарали саъй-ҳаракатлар бошланди. Ана шу ишларнинг дебочасига бағишланган илмий-амалий анжуманда шу хусусда баҳс-мунозара юритилди.

Қори-Ниёзий номидаги Педагогика фанлари илмий-тадқиқот институтида бўлиб ўтган бир кунлик кенгаш «Ўзбекистон Республикаси узлуксиз таълим тизимида хорижий тилларни ўргатишнинг долзарб муаммолари» деган мавзуга бағишланди.

Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири ўринбосари Й.Саиджонов йиғинни анъанага кўра очиқ деб эълон қилди. Амалиётчилар, назариётчилар, педагоглар,халқ таълими билан бевосита шуғулланаётган кишилар анжуман кун тартибига қўйилган масалага жиддий ва қизиққан тарзда ёндашдилар. Бу УзПФИТИ директори муовини, педагогика фанлари номзоди Қ.Йўлдошев «Узбекистон мактабларида ва мактабгача тарбия муассасаларида хорижий тилларни ўқитишнинг мазмуни ва методикасини ишлаб чиқишнинг янгича тамойиллари» деб номланган маърузаси муҳокамага ташланганида очиқ—ойдин билинди. Чунки уз маърузасини тугатиши билан саволлар дўлдай ёғилиб кетди.

У, жумладан, уз сузида шундай деди:

— Хорижий тилларни ўрганишни боғчадан бошлаш мақсадга мувофиқдир. Институтимиз олимлари томонидан «Боғча болаларига чет тилларни ўргатиш концепцияси» ишлаб чиқилди. Назария ва амалиётнинг бирлигини таъминлаш мақсадида биз бир талай тажриба майдончаларига эгамиз. Ўрта Чирчиқ туманидаги бир қанча мактабгача тарбия муассасалари бизнинг илмий базамиз бўлиб қолди. Тошкент шаҳридаги 9, 41, 191, Қибрай туманидаги 16-мактаблар ҳам хорижий тилларни мукаммал ўргатадиган тажриба майдончаларидир. Афсуски, бундай жойлар саноқли. Уларни кўпайтиришимиз керак. Боғчадан қўйилган тамал тоши узлуксиз таълим учун замин ҳозирлаши даркор.

Республика Халқ таълими вазирлиги умумтаълим мактаблари бош бошқармаси бошлиги Г.Я.Алимова «Чет тилларини ўқитишнинг хорижий тажрибаларини ўрганиш ва ундан Узбекистон мактаблари, олий ўқув юртларида ижодий фойдаланиш» ҳақида уз фикрларини тўғридан-тўғри баён этди.

Тошкент шаҳар Ҳамза туманидаги 216-мактаб чет тили ўқитувчиси З.Рустамхўжаеванинг атиги бир лаҳзалик чиқишидан сўнг анжуманда унинг ўқувчилари ҳозир бўлишди. Болалар «Май нейм из...» Менинг исмим... «Ҳав а ю?», қандайсиз? «Ай ҳсв э фаз э» «менинг дадам бор» каби инглизча оддий сўз ва жумлаларни бенуқсон, равон талаффуз этишди. Анжуман иштирокчилари эса «Қани энди ҳамма болаларимиз қайсидир чет тилида эмин-эркин, қийналмасдан гаплаша олсалар» деб ҳавас билан қаращди. Начора, орзуга айб йўқ. Орзулар руёби учун қилинаётган ишлар йиллар утиб, мева беражак...

***

Куннинг иккинчи ярмида анжуман қатнашчилари шўъбаларга бўлиниб иш кўрдилар. Шўъбалар иши уч босқичда давом этди. Мактабгача тарбия ва бошлангич синфларда таянч ва ўрта мактабларда чет тилларини ўқитиш муаммолари ҳамда олий ўқув юртларида кадрлар тайёрлаш масаласи бўйича таклифлар, мулоҳазалар ўртага ташланди.

Анжуман ниҳоясида чет тилларини ўргатишга доир тавсиянома ишлаб чиқилди.

Ҳ. ТЎЙМАНОВА.

БИОЛОГИЯ

1

Ўзбекистон Республикасининг олий ўқув юртларига 1995 йилда кириш имтиҳонларида тест топшириқларини бажарган талабаларнинг жавоб натижалари таҳлили шуни кўрсатадики, тўғри жавобни топган талабалар сони аввалги йилдагиларга қараганда кўрсатгичлари юқори бўлди. Таҳлил натижаларидан шу нарса аниқ бўлдики, ҳашаротларнинг айириш органлари йўлдошлиларнинг энг қадимгиси ва энг оддий вакиллари, одамнинг нерв системалари, болаларнинг ўсиши ва ривожланиши ҳақидаги, умумий биологиядан эволюцион таълимот, табиий танланиш, экология ва табиат муҳофазаси, мутациялар, одам генетикаси ҳақидаги саволларга ҳар тўрт абитуриентдан биригина тўғри жавоб бера олган. Таълим мактабининг ўқитувчилари тест жавоблари таҳлилига амал қилиб ўз иш фаолиятларида, якуний дарсларида тест топшириқлари асосида ўқувчилар билимини синасалар ўқувчиларда тест топшириқларини бажаришга кўникма ва малакалар ҳосил қилган бўлар эдилар.

Қолаверса ўқувчиларнинг билим доиралари кенгайган бўлар эди. Қуйида биз тест топшириқларидан намуналар берамиз ва уларнинг изоҳларини келтирамиз.

1. Муртак халтачасининг уруғланган марказий ҳужайрасидан нима ривожланади?

А) *уруғ муртаги* В) *уруғ пўсти* С) *мева* D) *эндосперм*
Е) *бошланғич куртак*

Изоҳи: Муртак ҳалтачасининг уруғланган тухум ҳужайрасидан кўп марта бўлиниш натижасида муртак, уруғланган марказий ҳужайрадан эса эндосперм ривожланади. Муртак ва эндосперм биргаликда уруғни ҳосил қилади.

Тўғри жавоби: Д

Е.М.Бельская Ботаника Тошкент 1992 § 55 111-112 бет
Т.Одилов,Ў.Пратов, Х.Расулов Ботаника Тошкент 1994 § 4287-89 бет

2. Поянинг қайси қисмида тўрсимон найчалар бўлади?

А) *луб толалари орасида* В) *камбий қаватида* С) *пўкак қисмида*
В) *ёғоч қисмида* D) *ясмиқчаларида*

Изоҳи: Поянинг қайси қисмида найчалар бўлишини билиш учун, дарахтни бир йиллик новдасидан юпқа кўндаланг кесик препарат тайёрлаб,микроскоп остида кўрамиз. Пўстлоқ эгилувчан ва пишиқ бўлади.Унинг пишиқлиги луб толалари, яъни лубга боғлиқ. Луб толаларида жуда кўп тешиклари бўлган тўсиқли,чўзиқ,ингичка тўрсимон найчалар бўлади.

Тўғри жавоби: А

Е.М.Бельская Ботаника Тошкент 1992 § 4 281-83 бет
Т.Одилов, Ў.Пратов, Х.Расулов Ботаника Тошкент 1994 § 2 144-46 бет

3.Ҳашаротларда айириш органи вазифасини нима бажаради?

А) *буйрак* В) *иккита яшил без* С) *мальпиги найчалари*
Е) *воронкасимон найчалар* D) *мальпиги найчалари, ёғ таначалари*

Изоҳи: Орқа ичакка бир тутам ингичка узун найчалар - мальпиги найчалари келиб туташади. Мальпиги найчаларининг девори қондаги зарарли моддаларни сўриб олади, сўнгра бу моддалар орқа ичакка тушади ва организмнизмдан ташқарига чиқарилади.Ички органлар устки томондан ёғ таначалари билан қопланган.

Республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази муассислигида нашр этилаётган «Тафаккур» журналининг навбатдаги сони чиқди. «Тафаккур» ёритаётган мавзулари ва мақсадлари жиҳатидан «Маърифат»га муштарак нашр. Шу боис журналнинг янги сонидан парчалар эълон қилишни лозим топдик — лекин, сиз бир қатра «Тафаккур» билан чекланиб қолмайсиз ва, албатта, журнални олиб ўқийсиз, деган умиддамиз, азиз муштарий!

Олий мезонлар

Озод ШАРАФИДДИНОВ

БОЗОР — МАЪНАВИЯТ КЎЗГУСИ

Мен иқтисодчи эмасман, аммо ҳар бир фуқаро каби иқтисодиёт соҳасига жуда қизиқаман. Тишим ўтган масалалар устида ўзимча мулоҳаза юритаман, тишим ўтмаганларини эса мутахассис дўстларимдан сўраб-суриштираман. Яқинда бир иқтисодчи дўстимга шундай савол билан мурожаат қилдим:

— Бозор иқтисодиётимизга ҳам уч-турт йил бўлиб қолди. Қани айтинг-чи, биз ҳозир шитоб билан қаёққа кетаяпмиз?

— Қаёққа бўларди, тўғри Ипподромга-да!

Унинг жавобида ҳазил оҳанги устунроқ эди, лекин шу билан бирга, алланечук жиддийлик ҳам сезиларди. Бу ҳол мени яна савол беришга ундади:

— Ундай бўлса 5-10 йилдан кейин бозор муносабатлари анча ривожланиб кетса, бутун мамлакат яхлит бир Ипподром бўлиб қоладими?

Дўстим сукутга чўмди. Менинг хаёлимда эса яқин келажак манзараси гавдаланди: ҳаммаёқ — кўча-кўй ҳам, майдону хиёбонлар ҳам, бекату боғчалар ҳам бозор. Ҳаммаёқда Покистону Туркия, Хитойу Ҳиндистон ва яна дунёнинг аллақайси бурчакларидан келтирилган турли-туман моллар қалашиб ётибди. Харидордан сотувчи кўп, ҳаммаси бўлбулигўёга айланиб, молини мақтайди: «Кеп қолинг! Пулингиз ўзингиз билан кетади. Олганлар дармонда, олмаганлар армонда!» Бу бозор ичида, шоир айтганидек, «Молим ёмон» деган бир кимса йўқ. Ҳаммаси йўлини қилиб харидорнинг пулини олиб қолиш пайида. Харидор шўрлик эса бу ғалаговурдан боши гаранг — нима қилишини билмайди...

Дўстим менинг ўйларимни сезгандек сўз қотди:

— Йўқ, йўқ, бу — бозор иқтисодиёти эмас. Тўғрироғи, биз барпо этмоқчи бўлган бозор иқтисодиёти фақат шундан иборат эмас...

Истиқбол чечаклари

ТАЪЛИМНИНГ ЯНГИ ЙЎЛИ

Ўзбекистон халқ таълими вазирининг ўринбосари Муртазо Султонов билан суҳбат.

— Муртазо Султонович, биламизки, мамлакатимизда бозор муносабатларига ўтиш эркин, демократик жамият қуриш борасида ўзига хос йўл танланди. Президент Ислом Каримов таклиф этган ва халқимиз қўллаб-қувватлаган, дунё жамоатчилиги эътиборини тортган машҳур беш тамойил Ватанимизда кечаётган ислоҳотлар характери ва йўналишини белгилаб берди. Бу жараён республика халқ таълими тизимида қандай суръат ва сифат билан бормоқда?

— Биз илгари «ислоҳот» сўзини, асосан, тузатиш, қайтадан бунёд этиш маъносида тушунар эдик. Аммо, Ватанимизда кейинги тўрт-беш йил ичида юз берган ўзгаришлардан билдикки, ислоҳот ғоят мураккаб жараён экан. У фақат тузиш ва тузатишга эмас, зарур фурсатда эски мулкдан фойдаланиш ва ҳатто уни асрабавайлашни ҳам тақозо этар экан. Шу маънода сиз тилга олган беш тамойил ва Президентимизнинг «Янги уй қурмай туриб, эскисини бузманг» деган оқилона ўгити янгича шароитда иш юритишда жуда қўл келди.

Менимча, мамлакатимиздаги ислоҳотнинг асосий муваффақияти шунда бўлдики, биз йиллар давомида шаклланган, озми-кўпми самара бериб келган тизимдан бирданига воз кечмадик, балки уни босқичма-босқич такомиллаштириш йўлини тутдик. Республикамизда 1991 йил сентябрдан — мустақиллигимизнинг илк кунларидан «Таълим ҳақида»ги Қонун лойиҳаси бўйича тайёргарлик ишлари бошлаб юборилди. Бу Қонун 1992 йил 2 июлда Олий Кенгаш сессиясида қабул қилинди. Қонун миллий таълимнинг янгича йўналишини белгилаб берди. Бугунги таълим инсонпарварлик, демократик ва дунёвийлик хусусиятлари билан ажралиб туради. Бу тизимда таълим олувчи ва таълим берувчининг шахсига бирдек ҳурмат-эътибор кўрсатилади. Яъни инсон шахси, унинг камолоти — асосий мезон.

ТАФАККУР

ИЖТИМОИЙ - ФАЛСАФИЙ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ, РАНГЛИ - БЕЗАКЛИ ЖУРНАЛ

МЕҲМОНИМИЗ

Моҳият жилолари

Умр — синов. Синов кўчалари нотекис. Ноаён. Улар одамни гоҳ фароғат боғларининг нашъу намосига тўйдиради, гоҳ ўкубат саҳросида сарсону саргардон қилади. Ҳар икки ҳолатда ҳам инсоннинг сабри, нафси, тоқати имтиҳондан ўтади.

Жонзот борки, яхшироқ ва осонроқ яшаш илинжида нафас олади. Ҳайвоннинг ҳайвонлиги ниманинг эвазига нафсини қондираётганини ўйламаслиги, бу ҳақда мулоҳаза юрита олмаслиги билан белгиланади. Йиртқичлик ақидаси

Хуршид ДЎСТМУҲАММАД

НАЖОТ НАФРАТДАМИ Ё... МУҲАББАТДА!

— на туғишганни билиш, на қавмнинг, на ўзганинг ҳақини тушуниш; ўлжа олинса, қўлга киритилса, ғажилса бас!

Бундай майл моҳиятан инсон учун ҳам бегона эмас. У ҳам тирик жон. У ҳам ўзи, оиласи тўқроқ, фаровонроқ яшашини кўзлаб тиним билмайди. Ўзини ўтга, чўққа уради. Ҳаловат илинжида ҳаловатидан кечади. Фақат у ана шу фароғатни, ҳаловату маъмурчиликни нималарнинг, кимларнинг эвазига топаётганига кўра ҳайвондан ва ҳатто бошқа одамлардан ажралиб туради.

«Ҳалол» ва «ҳаром» тушунчаси айни шу майллар асосида шаклланган бўлса ажаб эмас.

Жон сақлаш майли — инстинкти ихтиёрдан ташқаридаги табиий ҳодиса. Жон сақлашга уриниш — ҳалол. Бироқ, жонни ҳар нарсадан воз кечиш эвазига сақлаш ҳалолми ёки харомми? Ҳалолни ҳаром билан асраш ҳалолми?..

Ҳаётда учрайдиган жуда кўп катта-кичик номаъқулчиликлар муҳтожлик важидан хаспўшланади. Энг тубан жиноятга қўл урган кимсалар ҳам ўзларини оқловчи далиллар топади. Аслида эса...

Ибратнома

Асқад МУХТОР

УЙҚУ ҚОЧГАНДА...

(Тундалик)

Умар Хайём майни куйлаган. Аммо буни Абу Нувоснинг ҳамриятлари, Манучеҳрнинг мусамматлари ва кўп сонли соқийномалар билан аралаштирмаслик керак. Хурсандчилик майхўрлиги бошқа, аламзадалик майхўрлиги бошқа. Хайём кайфи бениҳоя аламли ва фожеий кайф: инсон ўлимга маҳкум. У бир лаҳза бўлса ҳам лаззат излаши керак. Чинакам шодлик лаҳзаларини гулдек узиб эмас, Данте айтган абадий сўлмас гулзорга кўз тикиб яшайди. Абадий сўлмас гулзор эса — умид. Хайёмда инсоннинг Худодан бўлак умиди йўқ.

Хаём рубоийлари — фоний банданинг жавобсиз фарёдларидир.

x x x

«Гулистон»да ишлар эдим. Маҳмуд Саъдий деган ходимимиз бозорда китоб айирбошлаётган экан, милиция ушлаб олиб кетибди. У жуда билимдон, китобхўр; биз уни Шайх деб атар эдик... Менинг илтимосим билан милиционер идорага келди, ёшгина лейтенант экан.

Гапни узоқдан бошламоқчи бўлдим:

— Ибн Сино Бухоронинг китоб растасида Форобийнинг Арастуга шарҳларини топиб олганда хурсандчилигидан бир зумга ҳушини йўқотган экан...

— Форобий деган шоирни эшитганман, у ҳам сизда ишлайдими?

— Йўқ, бизда фақат Шайх Саъдий ишлайди.

Ҳазил-мутойиба ўтмади. Аниқ гап қилдим:

— Бу йигит уйланганида келинни ошхонага тушириб келган. Чунки уч хонали уйининг ҳамма хоналари лиқ тўла китоб бўлган. У шунақа китоб жинниси.

— Жиннилигига справкаси борми?

x x x

Вақт ўтиши билан биров ақллироқ бўлади, биров — каттароқ.

x x x

Шеърни таҳлил қила бошласалар, ғашимга тегади. Баҳорги соф ҳавонинг кимёвий таркибини ҳам текшириш мумкин. Аммо, ундан кўра, шундай кўкрак тўлатиб нафас олган яхшироқ эмасми?

x x x

Мўъжиза — сир — билим — ҳақиқат. Булар шу тартибда бири бирини инкор қилади ва бир-бирисиз яшаёлмайди.

Етти иқлим муждаси

ДЕМОКРАТИЯ — ТЕНГЛИК КАФОЛАТИ

Америка Қўшма Штатларининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси жаноб Стенли ЭСКУДЕРО билан суҳбат

— Дунё жамоатчилиги Американи Колумб кашф этган деб билади. Сиз ўзбек халқи тарихи ва тараққиётидан яхши хабардор инсон сифатида бу фикрга қандай қарайсиз?

— Албатта, Американи кашф этганлардан бири Колумбдир. Бироқ мен Американи илк бор Колумб кашф этган, дегувчилар билан баҳслашишга тайёрман. Скандинавиялик денгизчилар Колумбдан 500 йил илгари океан ортида бўлган; Хитой денгизчилари ҳам Колумбдан анча олдин қитъамиз соҳилларига етиб келганини исботловчи далиллар бор. Олимлар хитойликлар ишлатган танга ва тошларни топганлар. Ҳатто қадимги мисрликлар ҳам океанни кесиб ўтиб, ғарбий соҳилларгача келган, деган тахминлар мавжуд.

Энди кашшоф Колумбга келсак, айтиш керакки, аввало, у илк бор Американи ўзлаштиришни бошлаб бергани муҳим. Фақат шунинг учунгина Американи биринчи кашф этган киши сифатида тан олинади ва қадрланади. Сизнинг буюк аждодингиз Абу Райҳон Беруний ҳам океан ортида қитъа борлигини биринчи бўлиб тахмин қилганидан воқифман. Менимча, ул зот илмий ишлар, изланишлар, ҳисоб-китоблар воситасида, сайёраларнинг самодаги ҳаракатини кузатиш натижасида шундай хулоса чиқарган. Ҳарҳолда, бу ҳақда озми-кўпми хабардорман. Чунки мен умримнинг кўп қисмини дунёнинг шу бўлагида, Марказий Осиёда, хусусан, Эрон, Покистон ва Ҳиндистонда ўтказдим.

Оддий америкалик Ўзбекистон ҳақида, унинг олимлари ҳақида кўп нарса билмаса керак, чунки америкаликлар ҳам, бошқалар каби, энг аввало, диққат-эътиборини ўз муаммоларини ҳал этишга қаратган. Уларнинг асосий вақти ўз юмушларига сарф бўлади. Бироқ Америкада Марказий Осиё минтақаси, жумладан, Ўзбекистонни ўрганиш билан шуғулланаётган кўплаб илмий тўгарак ва жамиятлар, дорилфунунлар бор. Бу тадқиқот муассасалари мамлакатингизни ўрганиш бўйича дастурларга эга. Улар ўзбекистонлик аллома, шоир ва ёзувчиларнинг жаҳон маънавият хазинасига, Шарқ ва Ғарб ўртасидаги алоқалар ривожига қўшган ҳиссасини юксак қадрлайдилар.

Бир замонлар, айниқса, сомонийлар ҳукмронлик қилган, мўғуллар билан жанглар кечган, шунингдек, Амир Темурдек буюк зот давлатни идора этган даврларда бу минтақа жаҳоннинг эътиборини ўзига қаратган. Илгари Ғарбдаги тараққиётдан кўра кўпроқ бу заминдаги исломий маданият ривожини ўрганиш муҳим эътиборда турган. Бироқ Америка Қўшма Штатларида Марказий Осиёнинг минтақа сифатидаги беқиёс аҳамиятини ва Ўзбекистоннинг бу ердаги ўрнини энди тушуниб етмоқдалар.

ИНСОН ЎЗИНГ

...Ўзбек аёллари сарвқад ва хушрўйдир... Улар совут кийиб, камар боғлаб эрлари билан ёнма-ён жангга киради; тим қора, йирик-йирик кўзлари жон олғувчидир — қадимий йилномалар шундай далолат беради. Бухорода ҳам айнан шу боис таърифу тавсиф этадилар...

...Небахтки, Оврупо бу хушкелбат инсонлар макон тутган Заминдан унча узоқ тушмаган экан... Дину санъат, илму фан-маданиятимизнинг бор-йўқ бисоти, бизнинг бутун шамғалат руҳимиз — биз улардан кўп ёки оз самара кўрган-кўрмаганимиздан қатъи назар — барчаси ажойиб тарзда такомилга етган ана шу халқлардан келган туҳфадир. Инсониятни безаши ва камол топтириши лозим бўлган қадриятлар худди шу мамлакатларда кашф этилди ва синаб кўрилди. Агарда тақдири азалнинг топ-тоза нафаси бу руҳ гулларидан биз сари хуш бўй таратмаса, агарда ушбу халқларнинг ямяшил новдалари бизнинг тарвақайлаб кетган бутоқларимизга пайванд этилмаса ва йиллар кечиши билан насл дарахтимиз танасини яшнатиб юбормаса эди, Оврупонинг шимолий халқлари ҳанузгача ёввойи бўлиб қолаверарди.

Олмон мутафаккири Йоханн Хотфрид Хардернинг «Инсоният тарихи фалсафасига оид ғоялар» китобидан.

2

Тўғри жавоб- Д
Биология. Ҳайвонлар Тошкент 1992 § 28. 64-66 бетлар..

4.Қуйида келтирилган сут эмизувчилардан қайсилари йўлдошлиларнинг энг қадимгиси ва энг оддийсидир?

A) *ерқазар, олмахон* **B)** *крот, кўршапалак* **C)** *типратикан, крот* **D)** *кўршапалак, сичқон* **E)** *кенгуру, коала*

Изоҳи: Йўлдошлиларнинг энг қадимгиси ва энг оддийси - ҳашаротхўрлар туркумининг вакиллари бўлмиш типратикан ва кротдир.
Тўғри жавоб- С.
Биология.ҲайвонларТошкент1992§71.160-161бетлар.

5. Бош миядан чиқадиган 12 жуфт калла суяк-мия нервларидан бири-адашган нерв мияни қайси органлар билан боғлайди?
A) *юрак, ўпка, буйрак, ичаклар билан*
B) *юрак, ўпка, буйрак, қовуқ билан*
C) *юрак, ўпка, ошқозон, ичак билан*
D) *юрак, ўпка, ошқозон остиези, буйрак, жинсий без*
E) *юрак ва ўпка билан*
Изоҳи: Узунчок мия, кўприкча ва ўрта мия биргаликда мия сопини ҳосил қилади. Ундан 12 жуфт калла суяк - мия нервлари чиқади. Нервлар мияни бошда жойлашган сезги органлари, мускуллар ва безлар билан боғлайди. Нервларнинг бир жуфти - адашган нерв мияни ички органлар: юрак, ўпка, ошқозон, ичаклар билан боғлайди.
Тўғри жавоб- С.
Биология. Одам ва унинг саломатлиги Тошкент 1993 § 9 25 - 26 бет

6.Одамнинг умуртқа поғонасидаги эгилмалар қайси ёшга келиб шаклланиб бўлади?
A) *6 ойлигида* **B)** *1,5-2 ёшида* **C)** *12-13 ёшида* **D)** *18 ёшида* **E)** *Туғилиши билан*

Изоҳи: Бола 1,5 - 2 ёшида умуртқа поғонасидаги эгилмалар шаклланиб бўлади. Шундан кейингина болалар юриб кетади.
Тўғри жавоб- В.
Биология. Одам ва унинг саломатлиги Тошкент 1993 § 9 25 - 26 бет

7. Қуйидаги қаторларнинг қайси бирида эволюция бир - бири билан боғлиқ учта натижага олиб келади. Тўғри ва тўлиқ жавобни кўрсатинг?
A) *ароморфоз, идиоадаптация, умумий дегенерация*
B) *табиий танланиш, сунъий танлаш, яшаш шароитига мосланиш*
C) *тур ичида кураш, турлар аро кураш, табиатнинг ноқулай шароитига қарши кураш*
D) *тирик мавжудотлар тузилишининг мураккабланаборишн, организмларнинг ташқи муҳит шароитига нисбий мосланиши, турларнинг хилма-хил бўлиши*
E) *яшаш учун кураш, табиий танланиш, ирсий ўзгарувчанлик*
Изоҳи: Эволюция бир-бирига узвий боғлиқ учта натижага олиб келади. Булар:
1. Тирик мавжудотлар тузилишининг аста-секин мураккаблашиб, такомиллашиб бориши
2. Организмларнинг ташқи муҳит шароитига нисбий мосланиши
3. Турларнинг хилма-хил бўлиши
Тўғри жавоб- Д.
Умумий биология Тошкент 1990 § 9 33-37 бет.

3

Умумий биология Тошкент 1995 § 49 224-231бет
8. Қуйидаги жавобларнинг қайси бирида табиий танланиш жараёни тўғри кўрсатилган?
A) *табиий танланиш натижасида дастлаб янги турлар, кейинчалик популяциялар ҳосил бўлади*
B) *табиий танланиш натижасида дастлаб кенжа турлар, кейинчалик янги популяциялар ҳосил бўлади*
C) *табиий танланиш натижасида дастлаб янги популяциялар, кейинчалик лик янги турлар ҳосил бўлади*
D) *табиий танланиш натижасида янги популяциялар, кейинчалик янги кенжа турлар ва турлар ҳосил бўлади*
E) *табиий танланиш натижасида дастлаб кенжа турлар ва турлар ҳосил бўлади, кейинчалик янги популяциялар ҳосил бўлади*
Изоҳи: Табиий танланиш жараёнида янги популяциялар, кейинчалик янги кенжа турлар ва турлар ҳосил бўлади.
Тўғри жавоб- Д
Умумий биология Тошкент 1990 § 7. 26 - 29 бет
Умумий биология Тошкент 1995 § 49 224 - 231 бет

9. Мутациянинг энг кенг тарқалган тури қайси?
A) *хромосомали, доминантли* **B)** *ген, рецессив*
C) *хромосомалар сонининг ўзгариши* **D)** *соматик мутациялар*
E) *хромосомали, рецессив*

Изоҳи: Хромосомалар тузилишининг микроскопда кўринадиган даражадаги ўзгаришлари билан боғлиқ мутациялар ҳаммадан кўра кўпроқ тарқалган. Бундай мутациялар айрим генларнинг сифат ўзгаришларидан иборат бўлади. ва ген мутациялари деб аталади.
Тўғри жавоб- В.
Умумий биология Тошкент 1990 § 61. 221 - 223 бет
Умумий биология Тошкент 1995 § 34 156 - 159б ет

10. Гемофилия касаллиги рецессив белги бўлиб, унинг гени Х хромосома билан бириккан ҳолда наслдан-наслга ўтади. Агар гемофилик эркак шу шу касаллик бўйича соғ аёл билан турмуш қурса болаларида бу касаллик қандай такрорланади?
A) *ҳамма боласи соғ-саломат, касалланмайди*
B) *ўғил боласи гемофилияли, қизлари шу касалликни ташувчи*
C) *ўғил болалари соғ-саломат, қизлари гемофилия билан касалланади*
D) *ўғил болалари гемофилия билан касалланади, қизлари соғ-саломат*
E) *ҳамма боласи гемофилия касаллиги билан касалланади*
Изоҳи: Агар гемофилик эркак шу касаллик бўйича гомозигота соғ аёл билан турмуш қурса болаларининг ҳаммаси соғ - саломат бўлади,касалланмайди. Яъни

$$P \quad ♀ X^H X^H \times ♂ X^h y$$

$$F_1 \quad X^H X^h \quad X^H y$$

Тўғри жавоб- А
Умумий биология Тошкент 1990 § 59. 213-217 бет
Умумий биология Тошкент 1995 § 36. 163-166 бет

4

11. Одамларда гемофилия (қон ивимаслиги) ва дальтонизм (ранг ажратаолмаслиги) касалликларини юзага чиқарувчи рецессив белгиларнинг ривожланишини таъминловчи ген, жинсий Х-хромосома билан бириккан ҳолда наслдан наслга ўтади. Гемофилия ва дальтонизм бўйича нормал (соғ) бўлган оилада, бир вақтда ҳам дальтоник, ҳам гемофилик фарзанд туғилиши мумкинми?
A) *ҳа мумкин, агар эркак шу белги бўйича гетерозиготали бўлса*
B) *ҳа мумкин, агарда аёлнинг отаси гемофилик, эркакнинг отаси дальтоник бўлса*
C) *ҳа мумкин, агарда эркакнинг отаси гемофилик,аёлнинг отаси даль дальтоник бўлса*
D) *ҳа мумкин, агар аёл шу икки белги бўйича гетерозиготали бўлса*
E) йўқ, мумкин эмас

Изоҳи: Агар аёл шу икки белги бўйича гетерозиготали бўлса, яъни

$$P \quad ♀ X^H_D X^h_d \times ♂ X^H_d y$$

$$F_1 \quad X^H_D X^H_D \quad X^H_D y, \quad X^H_D X^h_d \quad X^h_d y$$

бунда туғилган $X^h_d y$ гемофилик ва дальтоник бўлади.
Тўғри жавоб - Д
Умумий биология Тошкент 1990 § 59. 213-217 бет
Умумий биология Тошкент 1995 § 36 163-166 бет

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат Тест Маркази.

Бу қандай қуш?

Мактабгача тарбия муассасаларида

«ИСТИҚБОЛ СЕНИКИДИР, БОЛАЖОН!»

Кўпинча эрта тонгда боғча остонасидан кириб бораётган болаларнинг «Боғчада қолмайман» деб тихирлик қилаётганини кўрамиз. Баъзан эса «Бугун фалончи опангнинг навбати-ку! Уни яхши кўрасан, у сени уришмайди» деб юпатаётган оналарни кўриб, «Нима учун болалар боғчага боришни хоҳлашмайди? Ахир боғчада ҳамма шароит етарли-ку!» деб ўйлайман. Хаёлим пучмоқларида айланиб юрган ушбу сўзларни Тошкент шаҳар Акмал Икромов туманидаги 338-боғча мудираси Наима Бадаловага айтаман.

— Бола, энг аввало, ўзига алоҳида эътиборни талаб қилади. Кейин... у ўйда керагидан ортиқ эркин бўлади. Боғчада эса қатъий тартиб бор. Ўйин ҳам, ухлаш ва овқатланиш ҳам ўз вақтида. Бола ана шу режимни сал ёқтирмайди. Ахир, у бола-да... Яна мураббиянинг ширин сўз бўлиши ҳаммасидан муҳим бўлса керак. Ширин тил, муомала билан ҳар қандай ўжар болани ўзига эл қилиш мумкин. Мурғак инсонни ғунчага қиёслаш мумкин. Лекин бу ғунчада очиладиган гулда намоён бўладиган ҳамма хислатлар мавжуд. Унинг чаман бўлиб очилиши кўп жиҳатдан боғбоннинг парваришига ва меҳру-муҳаббатига боғлиқ.

— Ҳозир болаларнинг боғчага бўлган қизиқишини ошириш йўлларини излаяпмиз, — дея суҳбатга аралашади тайёрлов гуруҳи тарбиячиси Салима Ғадоева. — Юринг, яхшиси ўз қўзингиз билан кўринг.

Боғча биносидан миллий руҳ уфуриб туради. Боғчанинг иккинчи қаватидаги айвончалар атрофи нақшин кунгурадор панжара билан ўралган. Ўртага хонтахта қўйилиб, атрофига атлас кўрпачалар тўшалган. Болалар бу ерда миллий урф-одатларимизни ўрганишар экан.

Турли миллат вакилларининг 100 фарзандини ўз қучоғига олган бу масканда кичкинтойларнинг ҳар томонлама яйраб ўсишлари учун барча шарт-шароитлар муҳайё. 11 нафар тарбиячи мавжуд олтита гуруҳ кичкинтойларини меҳр билан тарбиялайдилар. Бу ишда Бўзсув сувсозлик аэростанцияси мутасаддилари ҳам озми-кўпми ҳисса қўшишаётир. Боғча биноси ўтган йилга қадар хароба бинода жойлашган эди. Аэростанция раҳбариятининг жонбозлиги туфайли кичкинтойлар икки қаватли кўркам бинога кўчиб ўтишди. Амалга оширилган ишлар эса таҳсинга сазовор. Боғча атрофида дарахтлар экилди, кўкаламзорлаштириш ишлари яхши йўлга қўйилди. Гуруҳлар хоналари аъло даражада безатилди. Машғулотлар аниқ режа асосида бўлади. Бундай машғулотлардан бири, таъкидлаб ўтмоқ жоизки, болаларнинг энг севимли машғулотларидан бири мусиқа дарсларидир. Биз боғчага кириб борарканмиз, пианино садолари қулоғимизга чалинди, сўнг болаларнинг «ёмғир ёғалоқ...» дея қўшиқ айтаётганлари эшитилди. Мусиқа муаллимаси Малика Давлатовани суҳбатга чорлаб, унга ҳам юқоридаги саволимизни бердик:

— Болаларнинг аксарияти кўпинча боғчага боргилари келмай тихирлик қилишади. Сизнингча нима қилсак шу ҳолатга барҳам бериш мумкин?

— Боғчада маданиятли, қобилиятли, истеъдодли, бола қалбига йўл топа оладиган инсонларгина тарбиячилик қилишлари лозим деб ҳисоблайман. Мураббия ҳар соҳадан хабардор бўлсагина жужуқларни ўз ортидан эргаштира олади. Бизнинг боғчамизда ўз касбини жонқадар севувчи Салима Гадоева ва Раъно Ҳакимбекова сингари тарбиячилар ишлашар экан, назаримда болажонлар жон диллари билан келишади. Ўзим ҳам ҳар куни ишга отланар эканман, кўз олдимда эшикдан киришим билан атрофимни ўраб олаётган болалар мени қувонч билан кутиб олишади. Болалар рақсга тушишни, қўшиқ айтишни севишади. Улар ҳаётга ўзгача муҳаббат қўйишган. Назаримда, болалар бошқа осмон остида яшашади. Уларга ҳавасим келади. Шу кунларда боғчада лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини ўрганиш ишлари давом этмоқда. Машғулотларни Наима опанинг ўзлари олиб бормоқдалар. Шунингдек, тайёрлов гуруҳида ҳам машғулотлар ўтказилмоқда. Болаларнинг дафтарини кўриб ҳавасингиз келади.

Умуман, бу тарбия муассасасида болаларни келажак учун курашчан фикр эгалари қилиб тарбиялаш борасида ибратли ишлар қилинмоқда. Жажжиларга соф ўзбек ва рус тилларини ўргатиш, мусиқадан сабоқ олишларини таъминлаш, спорт билан шуғулланишларига кенг йўл очиш, хуллас, ҳар томонлама ўсиб-ривожланишларига эришиш бугунги кунда ҳар бир боғча ходимаси олдидаги ягона вазифадир. Бу вазифа сидқидилдан амалга оширилаётганини болаларнинг соғсаломат чеҳраларидан, тетик ва бийронлигидан, оналарнинг кўнгли тинч ва хотиржамлигидан ҳам билса бўлади.

М. НАБИЕВА.

Халқ таълими фидойилари

ҲАЁТНИ ҲИС ҚИЛА БИЛИШ

У киши доимо қаергадир шошади, чопади. Бугун Ғиждувонда кўрсангиз, эртага Бухорода учратасиз,. Қандайдир ташаббус билан юрган бўлади.

У кишининг исми-шарифи Сайфиддин Ражабов. Салкам эллик йилдан буён ўқитувчилик қилиб келади. Мен Сайфиддин акани бундан тўрт йил бурун учратгандим.

Ушанда у киши энди нафақага чиқиб туманда маориф музейи очиш ташаббуси билан Бухорога кетаётган эканлар. Узоқ суҳбатлашдик.

— Шу пайтга қадар биз маорифимиз тарихини ўрганмадик. Инқилоб бизга бахт берди, ўқиш имконини яратди деган ёлғон фалсафа билан яшадик. Ваҳоланки, ўқиш, ўқитиш ишлари бизда минг йиллар бурун ҳам ривожланган эди. Ўзингиз ўйланг, биргина Бухорода қанча мадраса бор эди. Бу мадрасаларда фақат диний билимлар эмас, дунёвий билимлар ҳам кенг ўргатилган. Улуғбек, Ибн Сино, Беруний, Навоий каби буюк олим ва алломалар, шоирлар худди шу мадрасаларда билим олишган-ку, ахир.

Агар маориф музейи очсак, ўша даврлар мактабларидаги таълим-тарбия жараёнларини ўрганишга ҳам имконият яратиларди, — деганди у куюниб ўшанда.

Ростдан ҳам орадан кўп ўтмай Ғиждувонда республикада биринчи бўлиб маориф музейи очилди. Сайфиддин ака унга директор этиб тайинланди...

Сайфиддин Ражабов эсини танибдики мактабга қатнайди. Бухоро давлат педагогика институтининг ўзбек тили ва адабиёти факультетини битиргач, Ғиждувонда турли мактабларда ўқитувчи, директор, шаҳар халқ таълими бўлими мудири лавозимларида ишлади. Ҳамма жойда ташаббускорлиги билан ўзини кўрсатди.

У ўтган йили яна бир савобли ишга қўл урди. Маълумки, ўтган йили фашизм устидан қозонилган ғалабанинг 50 йиллиги кенг нишонланди. Уруш миллионлаб одамларнинг ёстиғини қуритди. Жумладан, фронтга кетган 5689 ғиждувонлик ўғлонларнинг 3725 нафари ўз юртларига қайтишмади.

Сайфиддин ака шу санага бағишлаб «Ҳамкасб — қуролдошлар» деб номланган китобча тайёрлади. Унда ҳозирги кунда ҳаёт бўлган фронтчи ўқитувчиларнинг 55 нафари ҳақида қисқача маълумот берилган.

Сайфиддин Ражабовни ҳеч ким бу ишга ундагани йўқ. Ҳаммасини ўз ташаббуси билан қилди. Игна билан қудуқ қазигандек тумандаги барча фронтчи-ўқитувчилар ҳақида маълумотлар тўплади.

Кимларгадир ёши олтмишдан ошиб қолган одамнинг бундай елиб-югуриши эриш туюлар. «Нафақада бўлсанг, бола-чақанинг дуосини қилиб, маза қилиб яшамайсанми» дегувчилар ҳам топилади. Аммо Сайфиддин ака бу гапларга парво қилмайди. Чунки у бир жойда ўтириб ўрганмаган, қотиб қолган эмас. Доимо кимгадир яхшилик қилгиси, кимнидир юмушини енгиллатгиси келади. «Яшамоқ нафас олишдан иборат эмас, балки ҳаракат қилиш демакдир. Узоқ умр кўрган киши эмас, балки ҳаётни кўпроқ ҳис этган кишигина узоқ яшаган деб ҳисобланади», дейди буюк француз ёзувчиси Ж.Ж.Руссо.

Сайфиддин Ражабов ҳам ҳаётни ҳис қилиб яшаяпти. Бундай одамларнинг умри узоқ бўлади.

Ойбек ТИЛЛАЕВ.

Хуллас...

ШИКАСТЛАНМАСЛИК СИРИ

Новгородлик уч ярим яшар қизча уйнинг саккизинчи қаватидан тушиб кетди. Ота-онасининг бахтига тирик қолди.

Ҳозирча у касалхонада. Ҳакимлар эътирофича, қизнинг ўлмай қолганига асосий сабаб, унинг пастга яхши қулаганидир. Чунки, болаларнинг иккинчи қаватдан йиқилиб, ҳаёти фожиали тугаган ҳолатлар ҳам учрайди. Бошқа касалхоналарнинг дўхтирлари ҳам шундай фикр билдиришяпти. Биз уларнинг хулосаларини жамлаб, таъкидламоқчимиз: «Қулаётган пайтингизда ерга яхшироқ тушишга ҳаракат қилинг!».

ЭҲТИЁТ ШАРТ

Италиянинг Пиза университети ҳамда Франция обсерваторияси астрономларининг айтишича, Ер қуррасининг улкан астероид билан тўқнашуви эҳтимоли бормиш. Бироқ бу тўқнашув 100 миллион, ҳатто миллиард йил сўнг содир бўлади, деб дарак беради «Суар» газетаси. «Эрос» дея аталувчи бу астероиднинг узунлиги 40 километрдан ошиқ. Ушбу осмон жисми бир пайтлар замин тўқнашган астероиддан анча катта.

ЯНГИ ЙИЛИНГИЗ БИЛАН

Барча ислом мамлакатлари қатори Мисрда ҳам дам олиш куни якшанба эмас, жума. Бироқ ўтган якшанба куни мисрликлар ишга чиқишмади. Чунки, ҳижрий-қамарий тақвим билан янги, 1417 йилнинг кириб келиши муносабати билан мазкур кун дам олиш куни деб эълон қилинди.

Исломий тақвим Мўҳаммад пайғамбарнинг Маккадан Мадинага ҳижрат қилган йилдан — 622 йилдан бошланган. Тоқ ойлар 30, жуфт ойлар эса 29 кундан иборат. Ҳар учинчи йил кабиса ҳисобланади.

УЙҚУДАН УЙҒОНМАДИ

Челябинсклик 92 ёшли чол зориқиб кутган нафақасини олди-да, хурсандлигидан пича ичиб, сояда ухламоқчи бўлди. Йўл четида турган машина ғилдираги остига узала тушди-да, уйқуга кетди. Бундан бехабар ҳайдовчи машинани юргизиб юборди. Чол эса қолаверди абадий уйқуда.

ана шунақа гаплар.

«ҚАЛАМИ БОР РАССОМ»ЛАР

Нукусдаги Ё. Қўспўлатов номли санъат мактабида таҳсил кўраётган 15 нафар талабанинг чизган суратлари Москва вилоятининг Электросталь шаҳрида ўтказилган Халқаро кўрик-танловда иштирок этди. Мазкур танловга жаҳоннинг 25 та мамлакатидан 6714 нафар ёш рассомлар ўз ижодлари билан иштирок этаётган эдилар.

Қувонарлиси шуки, нукуслик ижодкорларнинг асарлари ҳам танлов ҳайъати томонидан юқори баҳоланди ва диплом билан тақдирланди.

Ғойиб ЁҚУБОВ.

ЕНГИЛ АТЛЕТИКА

Пойтахтимиздаги Марказий ҳарбий спорт клуби стадионида ишқивозлар енгил атлетикачиларнинг қизғин беллашувига гувоҳ бўлишди.

Мусобақалар икки гуруҳда — ихтисослашган олимпия резервлари болалар-ўсмирлар мактаблари ҳамда болалар-ўсмирлар спорт мактаблари ўртасида утказилди. Ихтисослашган олимпия резервлари болалар-ўсмирлар мактаблари ўртасидаги мусобақаларда Андижон, Тошкент вилояти, Тошкент шаҳри, республика ўсмирлар олий спорт маҳорати мактаби жамоалари кураш олиб боришди. Болалар-ўсмирлар спорт мактаблари ўртасидаги мусобақаларда Фарғона, Сурхондарё, Сирдарё, Жиззах, Бухоро, Наманган, Хоразм, Самарканд, Кашқадарё вилоятлари вакиллари узаро куч синашишди.

Қорақалпоғистон Республикаси ва Навоий вилояти спортчилари мусобақада иштирок этишмади.

Ихтисослашган олимпия резервлари болалар-ўсмирлар мактаблари ўртасидаги курашлар якунига кўра, Тошкент вилояти жамоаси биринчи, Андижон вилояти жамоаси иккинчи, Тошкент шаҳри жамоси учинчи ўринни эгаллади.

Иккинчи гуруҳ — болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари ўртасидаги мусобақаларда Самарканд вилояти вакиллари чемпион бўлишди. Сирдарё ва Наманган вилоятлари жамоалари иккинчи ва учинчи ўринларни қўлга киритишди.

Енгил атлетиканинг 49 тури бўйича яхши кўрсаткичлар қайд этилди. Юз ва икки юз метрга югуришда республика олий спорт маҳорати ўсмирлар мактаби талабаси Л. Перепалова 11,9 ва 20,6 секунд кўрсаткичга эришиб, мусобақа ғолиби бўлди. Ўсмирлар ўртасида В. Иванов ушбу масофага югуришда 10,9 ва 22,5 секунд натижа кўрсатиб, ғолиблик шоҳсупасидан жой олди.

ҚЎЛ ТЎПИ

Гулистон шаҳридаги марказий стадионда бир ҳафта давом этган ўсмирлар ўртасида қўл тўпи мусобақаларида Қорақалпоғистон Республикасидан ташқари барча вилоятлар ва Тошкент шаҳри жамоалари ўртасида қизғин кураш олиб борилди.

156 спортчи қатнашган беллашувларда республика пойтахти спортчилари энг юқори кўрсаткичга эришиб, ёшлар ўйинлари ғолиби бўлишди. Андижон ва Сирдарё вилоятлари вакиллари иккинчи ва учинчи ўринларни қўлга киритишди.

БОКС

Ангрен шаҳридаги спорт комплексида олти кун давом этган кескин курашлардан кейин мусобақа ғолиблари ва совриндорлари аниқланди. Ёш чарм қўлқоп усталари ўртасидаги «жанг»ларда Тошкент шаҳри вакиллари мусобақа чемпиони бўлишди. бухороликлар иккинчи, пойтахт вилояти спортчилари учинчи ўринни эгаллашди.

КУРАШ

Наманганда бўлиб ўтган курашнинг Фарғонача усули бўйича майдон эгалари — Турақўрғон шаҳридаги 28-болалар-ўсмирлар спорт мактаби талабалари биринчи, Андижон вилоятининг Олтинкўл туманидаги болалар-ўсмирлар спорт мактаби талабалари иккинчи. Фарғона вилояти Бағдод туманидаги спорт мактаби ёш полвонлари эса учинчи ўрин соҳиби бўлишди.

Ун хил вазн тоифасида наманганлик Х. Холмирзаев, М. Холматов, М. Қучқоров, Х. Абдуқодиров, М. Обожонов, Ш. Бодров, андижонлик К. Қамбаров, Д. Мамадалиев, И. Хотамов, сирдарёлик А. Эгамбердиев ёшлар ўйинлари чемпионлари бўлишди.

СУЗИШ

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институтининг сузиш ҳавзасида республиканинг саккиз вилоятидан юз нафар спортчи ғолиблик учун кураш олиб борди.

Уч кун давом этган мусобақа якунларига кўра, пойтахт спорт мактаблари вакиллари 2624 очко билан биринчи ўрин соҳиби бўлишди.

1936 очко жамғарган Андижон вилояти спортчилари иккинчи, 1730 очко билан навоийликлар учинчи ўринни олишди.

Ғ. МАННОПОВ.

Спорт

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЁШЛАР ЎЙИНЛАРИ

— Тўп дарвозабонда!..

ХОТИРАСИ ҚАЛБИМИЗДА

Шафқатсиз ўлим атоқли адабиётшунос, филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, республика ёзувчилар уюшмасининг аъзоси Натан Муродович Маллаевни орамиздан олиб кетди.

Натан Муродович Маллаев 1922 йили Тошкентда зиёли оиласида дунёга келди. Шаҳардаги 29-мактабда етти йиллик ўқишни тугаттач, Маллаев педагогика билим юртида ўқиди. 1943 йили Низомий номидаги пединститутнинг ўзбек тили ва адабиёти факультетини тугатгач, Хоразм педагогика институти ҳамда Тошкент дорилфунунида талабаларга адабиётдан дарс берди. У 1948 йили номзодлик, 1978 йили докторлик диссертациясини ҳимоя қилган. Н. М. Маллаев 1956 йили доцентлик, 1980 йили профессорлик унвонларини олишга муваффақ бўлган; жумҳуриятимизда илм-фан тараққиётига қўшган ҳиссаси учун 1973 йили олимга «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби» унвони берилган.

Натан Муродович Маллаев 1946 йилдан умрининг охиригача Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтининг ўзбек адабиёти ҳамда ўзбек классик адабиёти кафедраларида ишлади; бир неча йил давомида ўзбек классик адабиёти кафедрасига мудирлик қилди. Атоқли адабиётшунос Натан Маллаев 50 йиллик илмий ва педагогик фаолияти давомида республикамизда филолог ходимлар ва олимлар тайёрлашга катта ҳисса қўшди. Унинг ўрта мактаблар учун «Ўзбек адабиёти тарихи», Олий ўқув юртлари учун «Ўзбек адабиёти тарихи» (1963) дарсликлари адабиётшуносларнинг бутун бир авлодини тарбиялашга хизмат қилди. Олимнинг «Абулқосим Фирдавсий», «Из вечного родника», «Навоий ижодининг ҳалқчил негизи», «Буюк ўзбек шоири ва мутафаккири» (4 тилда нашр этилган), «Асрлар эътирофи ва таъзими», «Низомий Ганжавийнинг мероси ва унинг маърифий, тарбиявий аҳамияти» сингари қатор асарлари ўзбек адабиётшунослиги равнақига қўшилган муҳим улушлардир. Натан Муродович Маллаев «Алишер Навоий ва халқ оғзаки ижоди» асари билан ўзбек адабиётшунослигида янги — ўзбек классик адабиёти билан халқ оғзаки ижодининг ўзаро таъсири йўналишини кашф этди. Унинг «Сўз санъатининг гултожи» китоби Навоий «Хамса»си хусусида ўқувчиларда яхлит тасаввур қолдирадиган рисола сифатида қадрлидир. Маллаев ўрта ва олий мактаблар учун ўзбек адабиёти тарихи бўйича тузилган дастур ва мажмуаларнинг муаллифларидан биридир. У Алишер Навоий номидаги давлат Адабиёт музейини ташкил этишда иштирок этган; кўп жилдлик «Ўзбекистон халқлари тарихи»ни яратишда қатнашган. Унинг юзлаб илмий мақолалари турли мажмуаларда ва «Ўзбек энциклопедияси» да эълон қилинган. Натан Муродович ўнлаб мажмуа, дарслик, дастур ва илмий тўпламларнинг синчков муҳаррири эди. Унинг раҳбарлигида 20 дан зиёд ёшлар номзодлик ва бир неча киши докторлик диссертацияларини ҳимоя қилган.

Атоқли адабиётшунос, меҳрибон устоз ва мураббий Натан Муродович Маллаевнинг хотираси қалбимизда абадий сақланади.

Бир гуруҳ дўстлари ва шогирдлари.

ЛИЦЕЙГА МАРҲАМАТ!

Гулистон давлат университети қошидаги Республика лицей-интернати 1996-97 ўқув йили учун

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Лицей-интернатига Республикамизнинг барча вилоятлари мактабларининг 8-синфини «аъло» ва «яхши» баҳолар билан тугатган иқтидорли ўқувчилар қабул қилинади.

Лицей-интернатининг 9-синфларига суҳбат асосида қуйидаги йўналишлар бўйича 1996 йилнинг 20 июнидан 20 июлигача ҳужжатлар қабул қилинади:

— Иқтисод бўлими

— Табиий фанлар бўлими (физика, математика, химия, биология ва муҳандислик).

— Социал фанлар бўлими (тарих, ҳуқуқшунослик, ижтимоий фанлар)

— Ўзбек тили ва адабиёти

— Хорижий тиллар (инглиз ва рус тиллари).

Лицейга қабул қилинганлар бепул овқат, ётоқхона билан таъминланадилар. Ундан ташқари лицейда дид билан жиҳозланган синф хоналари, лабораториялар, лингафон ва компьютер хоналари, фан кабинетлари, кутубхона ва ўқув заллари, спорт зали ва майдонлари, устахоналар, лицей ички телерадиостудияси, профилактория ва бошқа қулайликлар ўқувчиларга мунтазир. Машғулотларни университетнинг тажрибали профессор-ўқитувчилари ва лицейнинг малакали ўқитувчилари олиб боради.

ТАНЛОВ ШАРТИ:

Танлов йўналишга оид касбларга ва фанларга муносабатни, қизиқишни аниқловчи тест-синовлари (суҳбат) асосида амалга оширилади. Тест-синовлари (суҳбатлар) 1996 йилнинг 1 августидан 15 августгача махсус график асосида ўтказилади. Шаҳар, туман, вилоят, республика олимпиадалари ғолиблари лицейга имтиёзли қабул қилинадилар.

Лицейга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар:

1. Директор номига ариза.
2. Мактаб педагогик кенгаши йўлланмаси.
3. 6—8-синфлар табеллари.
4. Туғилганлик ҳақида гувоҳномаси.
5. Тиббий маълумотнома.
6. 4 донадан 3Х4 ва 6Х9 ўлчамли фотосуратлар.
7. Турар жойидан маълумотнома.

МАНЗИЛИМИЗ: Сирдарё вилояти Янгиер шаҳри, Саркисов кўчаси, 2-уй, телефонлар: 3-22-15, 3-19-97, 3-40-61.

Республика мактабгача тарбия ходимларининг малакасини ошириш бўйича доимий ишлаб турувчи курсида 3-30 июнь 1996 йилда навбатдаги курслар ўзбек ва рус тилларида ишлай бошлайди.

Унга қуйидаги соҳаларнинг мутахассислари таклиф қилинади:

I. Мактабгача тарбия муассасаларининг мудиралари; мактабгача тарбия муассасаларининг услубчилари — 3.06. — 30.06.96 йил.

II. Мактабгача тарбия муассасаларининг мусиқа раҳбарлари — 3.06 — 22.06.96 йил. Қисқа муддатли курс.

III. Мактабгача тарбия муассасаларида лотин имлосини ўргатиш бўйича муаллифлик гуруҳи — 3.06 — 15.06.96 йил. Қисқа муддатли курс.

Курсга келган тингловчилар бепул ётоқхона билан таъминланадилар ҳамда йўл харажатлари ва суткалик ҳақлари курс ҳисобидан тўланади. Курс қошида боласи билан келадиган тингловчилар учун болалар хонаси мавжуд.

26 кунлик курсга келган тингловчилар санатория ва курорт варақалари билан институт қошидаги санаторий-профилакторийга 3-6 июнгача қабул қилинадилар.

МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент шаҳар С.Раҳимов тумани, Саидов кўчаси, 6-уй. Студентлар шаҳарчаси.

Телефонлар: 46-98-04, 46-90-94.

ЭЪЛОН

Тошкент вилояти Қуйи Чирчиқ туманидаги Е. Уткин номидаги 30-ўрта мактабнинг гербли думалоқ муҳри йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

***

Тошкент шаҳри Чилонзор туманидаги 195-ўрта мактаб томонидан Ильясов Ойбек Атабековичга 1995 йилда берилган АО 003459 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги аттестат йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент вилояти халқ таълими бошқармаси Паркент тумани халқ таълими бўлими мудири Шерзод Зикирхўжаевга отаси Зухур ЗИКИРЯХЎЖАЕВ вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ма'рифат

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи Ҳалим САИДОВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20.
Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.
МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 36-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 36-55-58.
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.
Навбатчилар: Дилбар ҲУЖАЕВА, Олимжон ҲАЙИТ.

ИНДЕКС: 64595 Буюртма Г.-0261. Тиражи 33029. Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 босишга топшириш вақти — 20.00. Топширилди — 20.00. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди.
1 2 3 4 5 6